

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Рустамбекова Феруза Рустамбек қизи

Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялар
самарадорлигини ошириш йўллари
(Наманган вилояти мисолида)
Таълим йўналиши: 5340200 “МЕНЕЖМЕНТ”(ишлаб чиқариш)

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКА ИШИ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. О. А. Арипов

Наманган-2014

МУНДАРИЖА

	Кириш	
1-боб	Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялар жалб этишнинг илмий асослари	
1.1.	Кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жорий этишнинг назарий асослари	
1.2.	Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти	
1.3.	Кичик бизнесни ривожлантириш учун инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиниши	
2-боб	Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммолар	
2.1.	Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши	
2.2.	Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш амалиёти	
2.3.	Кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммолар	
3-боб	Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар самарадорлигини янада ошириш йўллари	
3.1.	Кичик бизнес корхоналари учун хорижий кредит линияларини очиш	
3.2.	Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицион сиёсат ва инвестициялар жалб этишни кенгайтириш	
3.3.	Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестиция жараёнларини такомиллаштириш ва унинг босқичлари	
	Хулоса	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялар самарадорлигини ошириш масалалари давлатимиз иқтисодиётининг юксалишида алоҳида аҳамият касб этади. Бу сектор миллий иқтисодиётнинг алоҳида секторига айланди. 2013 йилнинг «...ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди»¹ Айниқса сўнгги йилларда, бу соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиндики, кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялардан ҳар томонлама фойдаланиш кенг йўлга қўйилмоқда.

«Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди»².

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларининг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, дунёнинг етакчи давлатлари илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Бозор ислохотларини амалга оширишда кичик бизнесни ривожланишини инвестициялар асосида бошқариш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилган. Лекин бу секторни ривожлантириш, унинг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими инвестициялардан фойдаланишдаги чора-тадбирлар кўламини кенгроқ жорий этиш давр тақозосига айланди.

Бироқ, Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни қўллаш масалаларида ханузгача муаммолар борки, улар ўз ечимига эга эмас. Жумладан, «Наманган вилоятида бу соҳадаги ишлар аксарият ҳолларда... юзакичилик билан олиб борилмоқда»¹.

Демак, кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланишга эришиш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун танланган мавзу асосида тайёрланган битирув малакавий иш муҳим долзарблик касб этади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланишга оид муаммолар ғарб мамлакатларида чуқур ўрганилган. Ҳозирги кунда бу ўрганиш кўламли давом этмоқда. Ғарбнинг таниқли иқтисодчи олимларидан Кемпбелл Р. Макконелл, Стэнли Л. Брю кабиларнинг бу соҳада алоҳида хиссалари борлигини қайд этиб ўтиш зарур.

Россиялик иқтисодчи олимлардан В.Власова, И.Ершов, Б.Ичитовкин, Б.Райзберг, В.Рубе ва бошқалар тадқиқотларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жорий этиш асосида фундаментал-назарий ва амалий муаммолари И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида ўрганилган. Шунингдек, С. Фуломов, Т.Эргашев, У.Фофуров, каби яна бир қатор иқтисодчи олимлар асарларида ёритилган.

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. 7 бет.

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. 13 бет.

¹ Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир. // Халқ сўзи. 2004. 18 сентябр.

Сўнги йилларда К.Муфтайдинов, О.Арипов, каби ёш иқтисодчиларнинг ушбу соҳада олиб борган тадқиқотлари натижасида докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди.

Бироқ, кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жорий этишнинг баъзи масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Ўрганилаётган муаммонинг кенг қўламлилиги битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсади бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жорий этиш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

- кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жорий этишнинг назарий асосларини ёритиш;
- Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамиятини назарий асослаш;
- кичик бизнесни ривожлантириш учун инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиниши нўғрисида мулоҳаза юритиш;
- Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланишини таҳлил этиш;
- Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш амалиётини тадқиқ этиш;
- кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммоларни аниқлаш ва белгилаш;
- кичик бизнес корхоналари учун хорижий кредит линияларини очиш бўйича мулоҳазалар келитириш;
- кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицион сиёсат ва инвестициялар жалб этишни кенгайтиришга доир ишланмалар яратиш;
- кичик бизнесни ривожлантиришда инвестиция жараёнларини такомиллаштириш ва унинг босқичларини изоҳлаш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Наманган вилоятидаги кичик бизнес корхоналарининг фаолияти хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни қўллаш тизими танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий сиёсатида оид асарлари; кичик бизнес фаолиятига ҳамда инвестицияларни қўллашга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни ролини ошириш бўйича чет эллик ҳамда ўзбек иқтисодчи олимиларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Наманган вилоят статистика бошқармаси, Наманган вилоят савдо-саноат палатасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишни бажариш орқали қуйидаги янгиликларга эришилди:

- кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жорий этишнинг назарий асослари ёритилди;
- Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти назарий асослаб берилди;
- кичик бизнесни ривожлантириш учун инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиниши нўғрисида мулоҳаза юритилди;
- Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши таҳлил этилди;

– Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш амалиёти бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди;

– кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммолар аниқланди ва белгиланди;

– кичик бизнес корхоналари учун хорижий кредит линияларини очиш бўйича мулоҳазалар келтирилди;

– кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицион сиёсат ва инвестициялар жалб этишни кенгайтиришга доир ишланмалар яратилди;

– кичик бизнесни ривожлантиришда инвестиция жараёнларини такомиллаштириш ва унинг босқичлари изоҳлаб берилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялар самарадорлигини ошириш бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- кичик бизнес корхоналарини ривожланишига кўмаклашувчи бозор инфратузилмаси фаолиятини кучайтириш ҳамда вилоят ҳокимлигининг мазкур масалага оид дастурий ҳужжат ва амалий чора-тадбирларини ишлаб чиқишда;
- вилоят миқёсидаги барча коллеж ва бизнес мактабларида иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда;
- вилоят тадбиркор ва ишбилармонларининг иқтисодий тафаккурини оширишда;
- кичик бизнес субъектлари томонидан инвестицияларни қўллашдаги тушунчаларини кенгайтиришда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг илмий янгилиги кўрсатилган ҳамда ишнинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб «Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялар жалб этишнинг илмий асослари» деб аталди. Унда кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жорий этишнинг назарий асослари, кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти ва ушбу соҳани ривожлантириш учун инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиниши бўйича назарий ёндашувлар ишлаб чиқилди.

Иккинчи боб «Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммолар» деб номланди. Бу бобда Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши, вилоятда кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш амалиёти, шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммоларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари ёритилди.

Учинчи боб «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар самарадорлигини янада ошириш йўллари» деб юритилди. Ушбу бобда кичик бизнес корхоналари учун хорижий кредит линияларини очиш, мазкур секторни ривожлантиришда инвестицион сиёсат ва инвестициялар жалб этишни кенгайтириш, шу билан бирга кичик бизнесни ривожлантиришда инвестиция жараёнларини такомиллаштириш ва унинг босқичлари йўналишида ишланмалар яратилди.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида бажарилган илмий тадқиқот ишнинг умумий натижалари ва битирувчининг бу мавзуга оид аниқ фикрлари асосидаги хулосаларига кўра таклифлар берилган.

1-боб: Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялар жалб этишнинг илмий асослари

1.1. Кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар жорий этишнинг назарий асослари

Бозор иқтисодиётига ўтиб боришдаги «ислохотнинг асосий маъноси..., негизи бу - мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорликка кенг имкониятлар очиб беришдир»¹. Ғарб давлатларида бундай фаолият турини кенг доирада «business» атамаси билан боғлашади.

Маълумки амалиётда «бизнес» ва «тадбиркорлик» атамалари бир хил маънода қўлланилади. Фан ва илмий йўналишда эса бу атамалар бир-биридан фарқланади. Мисол учун, менежер-бизнесмен бўлиши мумкин. Лекин у ўз номидан таваккалчиликни амалга ошира олмайди. У бошқараётган корхона номидан таваккалчилик қилади, яъни бизнеснинг муҳим элементи ҳисобланган таваккалчилик ўша корхона эгаси номидан амалга оширилади.

Шундай қилиб «бизнес» тушунчаси кенг маъноли бўлиб, тадбиркорлик унинг таркибига кирувчи торроқ маънодаги тушунчадир. Тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, нафақат алоҳида шахс учун, балки бутун жамият, давлат учун ҳам фойдали ишларни амалга оширишади.

«Бизнес» ва «тадбиркорлик» каби атамалар «фойда олиш ва зарар кўриш натижасига эга бўлган товарлар ва хизматлар айирбошлаш бўйича якуний операцияларни амалга оширишни кўзда тутди»². Ҳар икки тушунча пул топиш мақсадидаги иш билан шуғулланиш ва бундай соҳада қатнашувчилар орасидаги муносабатнинг намоён бўлишини акс эттиради. Бироқ, бу атамаларни бир-биридан ажратувчи жиҳатлари мавжуд.

Тадбиркорлик – таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолдаги бизнес фаолияти. Бизнесда эса таваккалчиликни зиммага олмаган ҳолда ёки чекланган таваккалчилик билан ишпирок этиш мумкин. Ёлланиб ишлаётган менежер ҳам таваккалчиликни шахсан ўз зиммасига олмайди, таваккалчилик мулкдорлар зиммасида қолади. Шу жиҳатдан ёлланма менежерни тўла маънода тадбиркор сифатида талқин этиб бўлмайди. Ўз навбатида мулкдорнинг ҳам таваккалчилиги тадбиркорнинг таваккалчилиги каби ўта мураккаб доирада эмас.

Фикримизча, тадбиркор жисмоний шахс сифатида таваккалчиликни қўлласа, менежер бошқараётган корхона, юридик шахс сифатида ўз тадбиркорлигини амалга оширади. Мавжуд иқтисодий адабиётларда тадбиркор, менежер, бизнесмен каби атамаларни бир хил тарзда талқин этиш ҳар хил мазмунга эга бўлган бу иқтисодий атамаларнинг маъносини бузади. Аслида бундай фаолиятлар билан шуғулланиш, бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятларга эга. Лекин бизнесда асосий ҳал этувчи хусусият - новаторлик (янгилик киргизувчанлик), янги ғояларни излаш ва унинг ечимини кидириш, фақат тадбиркорлик фаолиятига хос бўлгани учун, бу унинг ажралиб турувчи хусусиятидир.

«Тадбиркорлар алоҳида синфни ташкил қиладилар, ...шунинг учун улар алоҳида ажралиб турувчи ташки кўринишга эга, шу туфайли уларнинг фаолияти ўзига хос (специфик) муаммоларни келтириб чиқаради»³. Улар «ишни қандай қилиб тўхтатиб қўйиш мумкинлигини билганлари каби, унга қандай қилиб тўртки беришни ҳам билишади»⁴, яъни қачон орқага тисарилиш кераклигини, ўз ишини яхшилаш ниятида ўзгартириш киритиш кераклигини ва керак бўлса, қандай чиқиш меъёрини хис эта олишади.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 129 бет.

² Валижонов Р., Қобулов О. Менежмент асослари. -Т.: Университет, 1997. 51 бет.

³ Шумпетер Й. Теория экономического развития. -М.: Прогресс, 1982. 174 стр.

⁴ Дерек Либерт. Ишбилармонлик унсурлари. // Ж. Солиқ тўловчининг журнали. -1996. -№5-6. 32 бет.

Тадбиркорлик фаолиятига доир дастлабки тадқиқотлар бундан 250 йил аввал амалга оширилган. Буни Р.Кантильон, А.Тюрго, Ф.Кенэ, А.Смит ва Ж.Б.Сэй каби ғарб олимларининг илмий асарларида учратиш мумкин. Ўрта асрларда тадбиркорлик билан машғул кишилар «антрепренер»лар деб аталган. Воситачилик хизматлари уларнинг вазифалари бўлган¹.

Таниқли инглиз иқтисодчиси ва дастлабки бизнес назарийчиси Р.Кантильон ўз илмий асарларида биринчи бор «тадбиркор» атамасини ишлатди ва тадбиркорлик концепциясини тўла яратиб берди. Унинг таърифлашича «тадбиркор – бу ўзгарувчан даромадли одам: деҳқон, хунарманд, савдогар, қароқчи, қамбағал ва ҳоказо. У бировдан товарни маълум бўлган нархда сотиб олади ва товарларини юқорироқ, аммо ҳали номаълум нархда сотишга умид боғлайди»².

Француз иқтисодчиси Ж.Б.Сэй тадбиркорни энг кўп маҳсулот олиш мақсадида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб, «таваккалчиликни ҳам, фойдасини ҳам ўз ҳисобидан кўзлайдиган қандайдир маҳсулот яратувчи шахсдир» деб атайди. Ж.Б.Сэйнинг фикрича, улар фойда олиш мақсадида бировларнинг пулларидан ўта моҳирлик билан фойдаланишган. Тадбиркор йўқотилган имкониятлар учун ва бу йўқотиш унинг айби билан эмас, балки тасодифан ноқулай вазиятдан келиб чиққан тақдирда ҳам жавобгар ҳисобланади. Бундай фаолият билан машғул шахс даромади унинг корхонасидаги даромад ва харажат ўртасидаги айирмасидан келиб чиқади. Ж.Б.Сэй тадбиркорнинг фойдасини икки қисмдан иборат деб билади; «саноатдан олинган фойда ва капиталдан олинган фойда»³. Агарда ҳар қандай тадбиркор моддий бойлиқ, ақл, мулоҳазақорлик, тартибни ёқтириш, виждонлилик каби фазилатларга эга бўлса, улар бировларнинг капиталидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкинлигига Ж.Б.Сэй қатъий ишонган.

Худди шундай, И.Фон Тюнен ҳам тадбиркорлик масалалари бўйича шугулланди ва ўз эътиборини тадбиркорликнинг таваккалчилик ва инновация фаолиятига доир вазифаларини бириктириш мумкинлигига қаратди. «Унинг тасаввурига кўра, тадбиркорнинг даромади таваккалчилик фаолиятидан келадиган даромаддан ва янгиликни қўллаш туфайли иқтисодий самарага эришиш натижасида олинadиган даромаддан ташкил топади»⁴.

XX аср ўрталарига келиб, тадбиркорлик назарияси Й.Шумпетер (1883-1950 й.) томонидан илмий жиҳатдан янада чуқур мазмун касб этди. У ўзининг «Иқтисодий тараққиёт назарияси» асарида шундай фикрни баён қилган: «тадбиркорларнинг иши – янгилик яратиш йўли билан ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва тубдан ўзгартириш, янада умумий маънода - янги хом ашё манбаи ёки тайёр маҳсулот бозорини очиш туфайли янги товарларни ёки аввалги товарларни ишлаб чиқариш учун янги технологик имкониятлардан фойдаланиш орқали, янги усуллар бўйича аввалгини қайта ташкил этиш ва саноатнинг янги соҳасини яратиш демакдир»⁵. Унинг бу фикрдан янги ғояларни излаш жараёнини тадбиркорлик фаолиятининг асосий сифати эканлигини, ва уни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида бевосита қўллашни тезлаштириш зарурлигини билиб олиш мумкин. Ютуқларга эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятининг бундай сифатлари жуда кўп мураккабликларни ўз ичига олади. Демак, тадбиркор ижодий фикрлаш ва янги йўналишларни топиш билан бирга, аниқ хўжалик соҳасига таъсир этувчи турли хил кучларни жойлаштиришни баҳолаш ва англаш ҳамда қабул қилинган иқтисодий чораларга уларнинг таъсир этиш даражасини тўғри сақлаш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

¹ Арипов О.А. Кичик ва хусусий бизнесни давлат томонидан тартибга солиш муаммолари. (номз. дараж. олиш учун дисс. 08.00.13-менежмент ва маркетинг), -Т.: 2006. 18 бет.

² ўша жойда, 18 бет.

³ Сэй Ж.Б. Трактат политической экономики. -М.: Экономика, 1986. 58 стр.

⁴ Чжен В.А. ва бошқ. Бозор қонунияти асослари. -Т.: Ўздавмулкқўм нашри, 1996. 212 бет.

⁵ Шумпетер Й. Теория экономического развития. -М.: Прогресс, 1982. 159 стр.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бизнес билан шуғулланувчи шахс фойда олишни мақсад қилиб олар экан, у янги ва янги соҳаларни ўзлаштиришга интилади. Бу эса инвестициялар жорий этишни талаб этади. Кичик бизнес соҳасининг ривожланиши инвестицияларни киритишга ва инвестициялардан фойдаланишга жуда мойил бўладилар. Чунки улар бозордаги ўзгарувчан муҳитда эластик ҳаракат қила оладиган қобилятга эга бўлади.

Агар ривожланган мамлакатлардаги кичик бизнес корхоналарини таҳлил этадиган бўлсак, уларнинг аксарияти инвестицияларни эркин жорий эта олади, шу билан бирга, инвестициялардан унумли фойдалана оладилар ҳам. Кичик бизнес корхоналарида инвестицияларни амалга ошириш асосан икки мақсадга икки мақсадга йўналтирилади:

1. Янги кичик корхона ташкил этиш.
2. Банкрот бўлган кичик корхоналарни ҳаётийлигини сақлаб қолиш.

Энг ривожланган мамлакатлардаги кичик бизнес корхоналари инвестициялар асосида ривожланиб тармоқланиб боради. Масалан, АҚШнинг аксарият корхоналари Япония инвестициялари асосида ўз фаолиятини тиклаб олган. Англиядаги кичик корхоналар нидерландиялик инвесторлардан кўп бора фойдаланишган. Ҳозирги кунга келиб АҚШ иқтисодиётида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналарнинг иқтисодий алоқаларида Хитой инвесторларининг улуши жуда катта.

Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес корхоналари ривожланиб борар экан, дастлаб саавдо, маиший хизмат соҳаларида инвестициялар кириб кела бошлади. Аммо мамлакатимизда инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш ва маҳаллий саноат, ижтимоий соҳа корхоналарини ривожлантиришга сарфланмоқда. Давлат мулкани хусусийга айлантириш жараёнида асосан ички капиталнинг улуши катта бўлди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналари асосан Корея, Англия, АҚШ, Германия каби мамлакатларнинг инвестицияларидан кенг фойдаланмоқдалар.

1995-1999 йилларда кичик ва хусусий корхоналар ташкил қилишга энг катта аҳамият берилди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «...қишлоқ жойларида ихчам ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш сиёсатини фаол амалга оширмоқчимиз»¹. Мамлакатимизда бу сиёсатни амалга оширишда асосан тадбиркорликни ривожлантиришни тақозо этади.

Инвестициялар барча халқаро операцияларни амалга оширишда кичик корхоналар ва микрофирмалар учун муҳим аҳамиятга эга. Хорижий инвестицияларга асосан молиявий муаммоларни ечиш учун мурожаат қилинади. Хорижий корпорацияларнинг молиявий бўлимлари маблағлардан қисқа муддатли инвестициялар қаторида юқори фойда олиш мақсадида фойдаланиш моддий манфаатдорликни белгилашга олиб келади. Бундай инвестициялар кўпинча хусусий тадбиркорлар капиталига асосланган, баъзида эса ўз қимматбаҳо қоғозларини чиқаради ва хорижий қимматбаҳо қоғозларини сотиб олади.

Ўзбекистондек мамлакат бугунги кунда инвестицияларнинг кириб келишига тайёр турган мамлакат ҳисобланади. Бу ерда олиб борилаётган маҳаллий сиёсат, тинчликнинг сақланиши, макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ижобий ҳолат буларнинг барчаси хорижий инвестицияларнинг кириб келишига асосий омил бўла олади. Мана шундай вазиятнинг мавжудлиги хориж инвесторларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётганлиги бежиз эмас.

Бироқ Ўзбекистон хорижий инвесторлар билан тенгма-тенг иқтисодий алоқалар олиб бориш асосида шерикчилик муносабатларини олиб борадилар. Ҳар қандай инвестициялар мамлакатимизга кириб келишига йўл қўйилмайди. Агар кириб келаётган инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётига унинг ривожланишига кенг имкониятлар яратса, бундай хорижий инвестициялар юртимизга биринчилар қаторида кириб келади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -221 б.

1.2. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қулай инвестиция иқлими шаклланимасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Ўзбекистон раҳбариятини мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, тадбиркорлик ва бизнесни ривожлантириш сари тутган изчил йўли хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш жараёнини фаоллаштириш учун реал шарт-шароит яратмоқдалар.

Миллий иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартиришнинг ҳозирги босқичида бевосита хорижий инвестициялар катта қизиқиш уйғотмоқда. Уларни жалб этишнинг асосий усуллари қуйидагилардир:

- қўшма корхоналар очиш (шу жумладан, хорижий инвесторларга ўзбек эмитентлари акциялар пакетларни сотиш йўли билан);
- Ўзбекистон ҳудудида бутунлай хорижий капиталга тегишли корхоналарни рўйхатдан ўтказиш;
- Концессиялар асосида хорижий капитални жалб этиш;
- Хорижий инвесторларни мамлакатнинг муайян минтақаларига фаол жалб этишга қаратилган эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) яратиш.

Ҳозирда жалб этилган хорижий инвестициялар тузилмасини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, бундай инвестицияларнинг катта қисми экспортга мўлжалланган тармоқларга: ёқилғи-энергетика мажмуи, нефт-кимё, олтин қазиб олиш ва пахтани қайта ишлаш саноати, ёхуд ўз-ўзини қоплаш муддатлари қисқа бўлган ва кўп фонд талаб қилмайдиган юқори рентабелли лойиҳаларга: савдо, телекоммуникация, умумий овқатланиш, йирик шаҳарларда офис ва меҳмонхона бинолари қуриш, озиқ-овқат саноати ва молия хизматига йўналтирилмоқда. Бунда сўзсиз, биринчи ўринда турадиган тармоқ, ёқилғи-энергетика мажмуидир (ЕЭМ). Макроиқтисод ва статистика вазирлигининг маълумотига кўра, Ўзбекистондаги (таҳминан 8 млрд. АҚШ доллари деб баҳоланаётган) бевосита хорижий инвестициялар умумий ҳажмининг 25 фоизи (1 млрд. 932 млн. АҚШ доллари) унинг улушига тўғри келади. Ҳажми бўйича иккинчи ўринда кимё-фармацевтика саноатига солинган маблағлар туради: 809 млн. АҚШ доллари – хорижий инвестицияларнинг 10,2 фоизи, енгил саноатда – 609 млн. АҚШ доллари – хорижий инвестицияларнинг 7,5 фоизи, ёғ-мой тамаки ва озиқ-овқат саноатида 541 млн. АҚШ доллари – хорижий инвестицияларнинг 6,9 фоизи. Шундай қилиб, солинган капиталнинг деярлик 40 фоизи шу тармоқларга тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ана шундай тармоқлар бўйича йўналтирилиши тасодифий эмас. Чунки тарихий омиллар ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркиб топган тизилмаси шуни тақазо этади. Ҳозирги вақтда мамлакат халқ ҳўжалиги тармоқ тузилмасининг такомиллашиб бораётганлиги янги ишлаб чиқаришдаги бевосита хорижий инвестицияларнинг ўсиш тенденциясини кучайтирмоқда. Автомобилсозлик, электрон, электротехника саноати ривожланди. Қурилиш индустрияси алоқа корхоналарида ва кишлоқ ҳўжалигида энг янги технология жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига маблағ солишга ёки киритишга тайёр турган хорижий инвестицияларнинг асосий тоифасини қараб чиқадиган бўлсак улар қуйидагича кўринишларни ўз ичига олади.

1. Энг йирик трансмиллий корпорациялар – булар Ўзбекистонга инвестиция солиш ёки киритишда мамлакатнинг табиий-хом ашё ресурсларга ҳамда халқаро стандартлар бўйича анча салмоқли бўлган ички истеъмол бозорига кириб бориш имконига эга бўлган компаниялардир. Бундай компанияларнинг бош идоралари ривожланган мамлакатларда

жойлашган бўлиб, ривожланаётган мамлакатларда уларнинг йирик офислари ёки корхоналари фаолият кўрсатади ва шу тарзда ўзларининг инвестицияларини жалб этадилар. Бу тарздаги ёндашув инвестициялар учун узоқ муддатли глобал инвестицион стратегиянинг нисбатан катта бўлмаган қисмини қамраб олади. Бу эса корпорацияларга инвестициялар солишнинг муайян хатарлилиги ва ва қўшимча фойда бермаслиги билан келишиб туришга имкон беради. Бу разрядга қуйидаги энг хорижий инвесторни киритиш мумкин: ёқилғи энергетика мажмуида – "Ньюмонт", "Тексакс" (АҚШ); "Мицуи", "Марубени" (Япония); кимё саноатида – АКА (Германия); "Кребс" (Франция); озиқ-овқат саноатида – «Кока-Кола» Бат Индастриес; бизнесда – АБН АМРО Банки; телекоммуникация соҳасида – «Сиенс», Атсател Дзу;

2. Хусусий ва кичик хорижий капитал – у Ўзбекистонда энг аввало савдо, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги айрим лойиҳаларнинг одатда, жуда юқори капитал сарфлаш талаб қилмайдиган лойиҳаларнинг ўрта юқори рентабелли бўлиши ва ўз-ўзини қоплашини таъминлаш учун жалб этилади. Бундай капитал киритиш ёки жалб этиш орқали кўриладиган афзалликлар шундай иборат бўладики, бунда инвесторлар кўз ўнгиди ўтиш даври иқтисодийётининг иқлимига хос ноқулайликлар ва хатарларни ёпиб кетади.

Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналарига инвестицияларни жалб этилар экан, инвесторлар учун биринчи навбатда, юқори рентабелли ва тез қопланадиган лойиҳаларга маблағ солиш характерлидир. Улар учун инвестиция хатари маҳаллий хусусиятни яхши билиш ҳамда мамлакатдаги кенг амалий статус контрактлар ҳисобидан анча камаяди. Кичик бизнес корхоналарига инвестицияларни жорий этиш шуниси билан ажралиб турадики, уларни қайтадан қопланиши тез амалга ошади.

Макроиқтисодийёт ва статистика вазирлиги маълумотларига кўра, бевосита хорижий инвестициялар республика ҳудуди бўйича қуйидагича тақсимланган:

- 1997 йилда хорижий инвестицияларнинг қарийб 45 фоизи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келган;

- 35 фоиздан кўпроғи Самарқанд, Қашқадарё, Навоий ва Андижон вилоятларига тўғри келган.

Шундай қилиб, хорижий инвестицияларнинг анчагина улуши ё савдо, транспорт ва информацион инфратузилмаси ривожланган ва истеъмол талаби юқори бўлган минтақаларга (Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларига) ёхуд ёнилғи-энергетика маҳсулотларининг экспорт учун ишлайдиган корхоналари кўп бўлган минтақаларга (Қашқадарё ва Навоий вилоятларига) кетади.

Миллий иқтисодийётни ривожлантириш йўлида хорижий инвестициялардан фойдаланиш амалга оширилар экан, бунда энг аввало янги замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, маҳсулот турлари кўпайди, янги иш ўринлари яратилди, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда бюджет харажатарини камайтирди.

Кичик бизнес корхоналари мини технологияларни тез ўзлаштирди. Натижада ҳозирги кунда янги маҳсулот турларидан 4000 га яқини ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. Хорижий технологияларни жорий этиш масалаларидаги иқтисодий эркинлик кичик бизнес корхоналарининг миқдор жиҳатдан кўпайишига ваз у билан маҳсулотлар турининг ҳам ортишига олиб келди.

Демак, Республикада бу соҳани ривожлантириш учун бўлган сайёи ҳаракат, жамиятнинг ўсиши, бой ва фаровон ҳаёт кечириши учун қулай замин яратишга олиб келди.

Ўзбекистонда иқтисодийётни ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишни бошқариш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати комплекс амалга оширилмоқда. Бу жараёни муваффақиятли юритиш учун республикада қатор фармонлар, қонунлар, ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар орасида 31 май, 1996 йилда қабул қилинган «Хорижий инвестициялар ишпирокидаги корхоналар ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари ва уларнинг фаолият кўрсатиши тўғрисида»ги Президент Фармони ҳам мавжуд бўлиб, ушбу меъёрий ҳужжат тадбиркор ва

ишбилармонларнинг режали иш олиб бориш истакларини ишончли кафолатлашни таъминлайдиган ҳуқуқий асосни янада мукаммал тарзда шакллантирди.

Ана шу қонун-қоидаларга асосланиб, пул кредитларининг тақчиллиги туфайли миллий иқтисодиётни ривжлантиришга хорижий инвестицияларни жалб қилишда кучли рағбатлантирувчилик тадбирларини олиб бориш давом этмоқда.

Бу тадбирлар орасида чет эл инвесторларига давлат томонидан кафолат берувчи йўналишлар ҳам мавжудки, булар қуйидагилардан иборат:

- миллийлаштириш ва реквизициядан сақланган ҳолда, сиёсий хавф-хатарни суғурта қилиш;
- субъектларнинг фойда ва бошқа олган маблағларини чет эл валютасида чегарадан (бошқа давлатларга) ўтказиш;
- макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда инвестиция учун қулай муҳит яратиш;
- жорий инвестициянинг кейинги ҳолати ёмонлашса, инвестиция киритилган вақтдан бошлаб қабул қилинган қонунларнинг узоқ муддат давомида қўлланилишини таъминлаш;
- инвесторларнинг ҳуқуқлари тасодифий ҳолатларда бузилган тақдирда давлат органлари орқали келтирилган зарарларни тўлаш;
- республика банкларида чексиз ҳар қайси валютада ҳисоб рақамларини очиш;
- республика ҳудудида суғурта компанияларини хорижий капитал иштирокида ташкил этиш.

Чет эл инвестицияси жалб қилинган кичик корхона (йирик корхона бўлса ҳам) даромадининг маълум қисми солиқдан озод қилинади. Чунки бундай кичик корхоналарга ишлаб чиқаришни кенгайтиришда инвестиция ва янги технологияни жорий қилиш учун имконият яратиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор муносабатлари – мулкнинг қўп шакллилиги, тадбиркорликни ривожланиши каби жараёнлар чет эл юридик ва жисмоний шахсларнинг бемалол кириб келишига йўл очмоқда. Ҳозирги пайтда АҚШ, Германия, Франция, Италия, Туркия, Покистон, Хиндистон, Жанубий Корея ва Англия каби давлатлар билан иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. ушбу мамлакатларнинг таниқли тадбиркорлари Ўзбекистонга ўз қизиқишларини билдиришмоқда¹.

«Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди»². Хусусан, кичик бизнеснинг бундан буён ривожланишида ҳам инвестицияларнинг аҳамияти жуда каттадир.

2013-йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012-йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бироқ, Мустақилликнинг йигирма уч йиллигини нишонлаган Ўзбекистон иқтисодиёти бундай ютуқлар билан чегараланмаслиги керак. Чунки Республика Президенти И.А.Каримов айтганидек, «дунёда ва минтақамизда вужудга келаётган мураккаб ва зиддиятли вазиятни инобатга олиб, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган миллий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти: халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ, 2012. 14 сентябрь. –Т.: Ўзбекистон, 6 бет.

² Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. 12-13 бетлар.

манфаатларимиз ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндашмоғимиз керак»¹.

Бундай ёндашувни янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун, хорижий инвестицияларнинг салмоғини оширишга бўлган чора-тадбирларни жадаллаштириш асосида кичик бизнес корхоналарини ривожлантириш лозим. Бунинг учун эса, хорижий инвестицияларни эркин фаолиятини таъминлаш мақсадидаги шарт-шароит ва муҳит яратишнинг кенг имкониятларидан самарали фойдаланиш керак.

1.3. Кичик бизнесни ривожлантириш учун инвестициявий лойиҳаларни танлаб олиниши

Республикаимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиши замонавий технология ва ускуналар асосида рақобатдош ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бу технология ва ускуналарни сотиб олиш учун эса валюта керак. Республикаимизда чет эл кредит линияларининг очилиши бу муаммоларни ечишнинг асосларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун – ЕТТБ, Осиё ривожланиш банки, Халқаро Молия Корпорацияси, Германия ривожланиш кредит агентлиги, Япония Эксимбанки каби халқаро молия институтлари ўз маблағларини ажратишди.

Ҳозирги пайтда инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларни қабул қилиш механизми ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан лойиҳавий таклифлар – ЎЗР Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Узинвестлойиҳа» инжиниринг компаниясидан экспертизадан ўтади. ЎЗР Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки қошида «Лойиҳавий молиялаштириш маркази» очилган бўлиб, унда «Кичик бизнес лойиҳаларини бошқариш» бошқармаси фаолият кўрсатмоқда ва унга тадбиркорлар мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича типовой инвестицион таклифлар каталоги ишлаб чиқилган бўлиб, унда дунёнинг етакчи давлатларида ишлаб чиқилган ускуналарнинг техник характеристикаси кўрсатилган. Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси чет эл кредит линияларини олиш ва ундан фойдаланиш учун конкурсда қатнашиш истагини билдирган кичик бизнес субъектлари аризаларини портфелини шакллантириш ва уларни мувофиқлаштириш бўйича ўз ёрдамини кўрсатмоқда.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки. (ЕТТБ): ЕТТБ томонидан берилаётган кредитлари аниқ мақсадларга берилиб, улар чет эл ускуна ва технологияларини сотиб олишга, хизмат кўрсатиш соҳасига ва ишчи капитал сарф-харажатларини қисман қоплашга масалан, сублойиҳаларни молиялаштириш учун берилади. Мисол учун, 1993 йил 23 ноябрда ЎЗР Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан – ЕТТБ ўртасида кредит Битими имзолангандан кейин хорижий кредит линияларини Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришга жалб этиш бошланди. Бу битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафиллиги асосида жами 60 млн. АҚШ долларлик кредит ажратилди. Бу кредит линияси 13 йилга берилган бўлиб, ундан дастлабки 3 йили имтиёзли ҳисобланади, 3 та транш бўйича берилди. ЎЗР Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки дастлабки транш бўйича 21 та лойиҳани молиялашгирди.

ЕТТБ биринчи кредит линиясининг тез ва муваффақиятли ўзлаштирилганлиги ва ЎЗР ТИФ Миллий банкининг ишончлилиги ва юқори обрўга эга эканлигини инобатга олиб, 1996 йил декабр ойида юқоридаги программа бўйича II- кредит линиясини очиш масаласини қўйди ва бу масала ўрганиб чиқилиб маъқулланди. Бу кредит линияси 120

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 58 бет.

млн.АҚШ долларни ташкил этиб, ундан 60 млн. АҚШ доллар ЎзР Ҳукуматининг кафолатисиз бериладиган бўлди.

ЕТТБ кредит линиясини олишнинг асосий шартларидан бири – бу лойиҳанинг экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилганлигидир. Кредитлаштириш муддати 7 йилгача бўлиб, ундан 2 йили имтиёзлидир. Бериладиган кредитнинг максимал миқдори 5 млн. АҚШ долларгача бўлиб, лекин лойиҳа дастлабки қийматининг 75% идан кўп миқдорда кредит берилмайди. Бундан ташқари тадбиркор лойиҳани амалга ошириш учун керак бўладиган шахсий капитал, бино, иншоот, машина-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнидан олдинги айланма капитал, ҳамда молиявий харажатларни қоплаш учун бошқа маблағларга эга бўлиши керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганларнинг қиймати лойиҳанинг дастлабки қийматининг 25% идан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак. Олинаётган кредитнинг гаров таъминоти (учинчи шахслар ёки ҳукумат кафолати, суғурта полислари, асосий воситалар, бино, иншоотлар – баҳолаш қийматининг 70% миқдорида, ускуналар эса баҳолаш қийматининг 60-70% миқдорида таъминланганлик гарови сифатида олинади) сўралаётган кредит суммасининг камида 120% сумасини ташкил этиши керак. Мавзунинг 4- саволида бу бўйича алоҳида мисол билан кўриб чиқамиз.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ): Ўзбекистон Осиё тараққиёт банкига 1995 йилнинг августида аъзо бўлиб кирди. Республикамизнинг бу банкка аъзо бўлиши иқтисодий ўзгариш жараёнини маълум даражада тезлаштиради, ҳамда тадбиркорлик ва бизнеснинг турли хил формаларини ривожланишига кўмаклашади.

1996 йилнинг 17 декабрида ОТБ нинг Директорлар Кенгаши Ўзбекистонга 50 млн. АҚШ доллар миқдорида кредит линиясини 13 йил муддатга, дастлабки 3 йилини имтиёзли шартда очишга қарор қилди. Бугунги кунда бу кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган бўлиб, ушлаб кичик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

ОТБ ҳақида қисқача маълумот. Бу банк 1966 йил декабр ойида ўз фаолиятини бошлади. Унинг штаб квартираси Филиппиннинг Манила шаҳрида жойлашган. Банк Осиё регионидаги 36та давлат ва бу региондан ташқаридаги яна 16 та давлат томонидан ташкил этилган. Бугунги кунда бу банк аҳолиси зич жойлашган, ҳамда аҳоли сони тез ўсаятган давлатларга кўмаклашяётган банклардан бирига айланди.

ОТБ асосан ўз кредитларини технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишчи капитал харажатларини қисман қоплашга, қишлоқ хўжалиги секторида мавжуд ускуналарни модернизация қилиш, қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сублойиҳаларни молиялаштиришга берилади. Бу кредит линиясининг кредитори бўлиб ЎзР ТИФ Миллий банки ҳисобланади. Қарз олувчи бўлиб хусусий, кичик корхоналар бўлиши мумкин (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор кўлида бўлиши керак). Кредит олиш учун лойиҳа экспортбоп ёки импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва валютада ўзини қоплаши керак.

Кредит узоғи билан 7 йил муддатга, шундан 3 йили имтиёзли шартда берилади. Берилаётган кредитнинг максимал суммаси 5 млн. АҚШ долларни ташкил этади. Лекин бу сумма лойиҳанинг дастлабки қийматининг 75% ини қоплаши керак. Ускуналар ва технологияларнинг таъминотчиси ОРБ нинг аъзоси бўлиши керак (56 та давлат, буларга: Осиё давлатлари, АҚШ, Канада, Фарбий Европа давлатлари Австралия, Туркия давлатлари киради. Бу банкка аъзо бўлмаган давлатлар қаторига яқин Шарқ, МДҲ (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистонни қўшмаган ҳолда), Шарқий Европа ва бошқа давлатлар.

Осиё тараққиёт банкининг кредитини олиш учун қарз олувчи лойиҳа қийматининг камида 25% га эга бўлиши керак. Қарз олувчи таъминот сифатида – бино, иншоот, машина-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнидан олдинги айланма капитал, ҳамда молиявий харажатларни қоплаш учун бошқа маблағларга эга бўлиши керак. Гаров таъминоти шarti олинаётган кредит суммасининг 120% кам бўлмаслиги керак.

Тақдим этилаётган кредит учун фоиз ставкаси куйидагича бўлади:

ОТБ фоиз ставкаси + ЎзР ТИФМБ маржаси

Миллий банк маржаси сублойхаларни баҳолаш қийматидан келиб чиққан ҳолда (кредитлаштириш жараёни, риск даражаси) кредит суммасининг 0,5% – 3% гачани ташкил этади. Кредитни бошқарганлик учун коммиссион ҳақ – кредит суммасининг йиллик 0,15% миқдорида (сўмда) тўланади. Асосий қарзни қайтириш ҳар 6 ойда амалга оширилади.

Германия ривожланиш кредит агентлиги (КфВ): КфВ иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги (қишлоқ хўжалигидан ташқари) лойиҳаларга технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш учун кредит беради.

Бу кредит линиясининг қарз олувчиси бўлиб ЎзР ТИФ Миллий банки ҳисобланади, субқарз олувчи бўлиб эса – хусусий, кичик бизнес корхоналари ҳисобланади (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак).

Лойиҳа экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босадиган ва валютада ўзини қоплайдиган бўлиши керак. Кредитлаштириш жараёни 1 йилдан 5 йилгача бўлиши мумкин. Бу кредит линиясида имтиёзли давр 1,5 йил ҳисобланади. Бериладиган кредит максимал суммаси 2,5 млн. еврони ташкил этади, лекин лойиҳа дастлабки қийматининг 75% идан кўп бўлмаган миқдорда берилади. Бу кредитни олиш учун субқарз олувчи лойиҳа дастлабки қийматининг камида 25% ўз маблағларига эга бўлиши керак. қарз бўйича гаров таъминоти олинаётган кредитнинг 120% идан кам бўлмаслиги керак. Берилаётган кредит учун фоиз ставкаси қуйидагича ҳисобланади:

EURIBOR + КфВ маржаси (1,5%) + ТИФМБ маржаси

EURIBOR – EURO депозитлари бўйича банклараро фоиз ставкаси, у Европа банклараро бозорида аниқланади. Кредитни бошқариш учун коммиссион ҳақ кредит суммасининг йиллик 0,15% миқдорида олинади (сумма). Қарз бўйича асосий тўловлар ҳар 6 ойда тўлаб турилади.

Биз юқорида кўриб 3 та кредит линияси бўйича лойиҳаларни танлаб олишда, шу кредит линиясига хизмат кўрсатаётган банк асосан қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- лойиҳа бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг экспортга мўлжалланганлигига;
- лойиҳа импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилганлигига;
- лойиҳанинг валютада ўзини қоплаши.

Бундан ташқари ҳар бир молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари бўйича шу кредит линияларига хизмат кўрсатадиган банк билан тузилган кредит битими ва унда кўрсатилган шарт шароитлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар танлаб олинади ва кредитланади.

2-боб: Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммолар

2.1. Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Бу секторни ҳуқуқий жиҳатдан бошқарилиши натижасида маҳаллий ҳокимият томонидан тартибга солиш масалалари ўз ечимига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларини белгилаш ва уни такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

Наманган вилоятида кичик бизнес миқёсларини белгилаш 2003 йил 11 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори асосида амалга оширилмоқда. Ушбу қарорда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тармоқлар бўйича одам сонига кўра қайта табақалаштирилди¹. 2004 йилнинг январ ойидан бошлаб, янги градацияга асосан иш тутилди.

Бундан ташқари, 2004 йил 8 январдан Президентнинг «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Президентнинг янги ПФ-3376-сонли Фармони кучга кирди¹. Бундан асосий мақсад кичик бизнесни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратишдан иборатдир.

Бироқ, шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мезонларини такомиллаштириш борасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш керак. Кичик бизнес секторидаги мезон кўрсаткичлари қаторида капитал айланмаси, фойда миқдори, активлар ҳажми каби мезон кўрсаткичларини ҳам ишлаб чиқиш зарур. Бу эса мазкур секторни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг янада такомиллашувига олиб келади.

Ушбу фармон туфайли, кичик бизнес субъектлари ўз ишлаб чиқаришларини ташкил қилиш мақсадида хорижий технологияларни олиб киришда божхона тўловларидан озод бўлдилар.

Президентимизнинг бу Фармони биринчи бўлиб, миллий иқтисодиётимиз таркибидаги хусусий секторга тегишли корхоналар мақомини одам сонига кўра табақалаштириш йўналишидаги меъёрий ҳужжатга айланди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда бизнес субъектлари деганда, қуйидаги кўринишдаги бизнес табақалаштирилди, булар:

- якка тартибда бизнес фаолиятини юритиш;
- кичик бизнес;
- йирик бизнес.

Кичик бизнес субъектларини яна уч хил кўринишга бўлинди:

- якка тадбиркорлик;
- микрофирмалар;
- кичик корхоналар.

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши натижасида қуйидаги ижобий жараёнлар рўй бермоқда:

– ҳудудий макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлашиб, иқтисодиётнинг баланслаганлиги тобора ошмоқда;

¹ Қарорнинг номи меъёрий ҳужжатларга тузатишлар киритилгандан кейинги ҳолатда қайд этилмоқда.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. №1-2, 2004. 8-10 бетлар.

- маҳаллий бюджет ва тўлов балансининг профицит билан бажарилишига эришилмоқда;
- экспорт ва олтин-валюта захираларининг кўпайиши таъминланмоқда;
- маҳаллий аҳолининг турмуш даражаси ободлашиб, аҳоли таркибида бизнес элита қатламининг кенгайиши рўй бермоқда.

Шу билан бирга, Наманган вилоятида аҳолининг янгича иқтисодий фикрлаши янада кенг тарзда амалга ошаётганлигини инкор этиб бўлмайди. Мустақиллик йилларида содир бўлаётган нархларни эркинлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, акциялаштириш, рақобат муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиши, аграр секторнинг қайта қурилиши, бозор инфратузилмасининг шакллана бошлаши, каби жараёнларнинг барчаси янгича иқтисодий фикрлаш учун муҳит яратди.

Наманган вилоятида 2013 йил якунига кўра фермерларсиз кичик бизнес субъектлари сони 14447 тани ташкил этди. Бу 2012 йилга нисбатан олганда 102,1 фоизга ошганлигини кўрсатади. Аммо бу ўсиш даражаси 2011 йилни 2012 йилга солиштирилгандаги ҳолатдан бир оз сусайганлигини кўрсатади. Чунки 2012 йилда кичик бизнес субъектлари сони 14469 тани ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан олганда 112,2 фоизни ташкил этган.

2.1.1-жадвал


Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожланиши¹

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2011 йил якуни (ҳақиқат)		2012 йил якуни (ҳақиқат)		2013 йил якуни (ҳақиқат)	
		ҳажм	ўсиш, %	ҳажм	ўсиш, %	ҳажм	ўсиш, %
КБ субъектлари сони (фермерсиз)	бирлик	23679	112,2	14469	100,1	14447	102,1
Ш.ж. фаолият кўрсатаётгани	бирлик	20931	109,6	11279	100,8	12292	104,3
КБ субъектларининг ЯҲМ даги улуши	%	78,7	Қ2,6 п	79,0	х	79,5	Қ0,5
КБ субъектларига ажратилган жами кредит	млрд. сўм	168,5	150,2	225,2	157,6	294,4	130,7
шундан узоқ муддатли кредитлар	млрд. сўм	117,9	150,0	157,6	142,6	206,1	131,5
КБ субъектлари томонидан и.ч. саноат маҳсулотлари	млрд. сўм	409,5	3,1 м.	600,5	140,8	88,4	126,8
КБ субъектларининг жами саноатдаги улуши	%	39,0	х	41,0	х	48,8	Қ6,0
КБ субъектлари томонидан бажарилган экспорт	млн. долл	28,7	105,3	42,3	115,3	34,5	103,8
КБ субъектларининг жами экспортдаги улуши	%	41,6	Қ7,4 п	48,6	х	48,1	-0,5

Агар 2011 йилда 20931 та кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятини олиб борган бўлса, 2012 йилда 11279 та кичик бизнес субъектлари ўзларининг иқтисодий фаолиятларини олиб боришган. 2013 йилга келиб эса фаолият кўрсатган кичик бизнес субъектлари сони 12292 тани ташкил этди. Бу жадвалдаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари йилдан йилга тўлқинсимон

¹ Жадвал муаллий томонидан тузилган. Маълумотлар Наманган вилояти статистика бошқармасидан олинган.

тарздаги тенденция асосида ривожланиб борапти. Бошқача айтганда тегишли йилларда бир ошиб бир камайиб юксалиб бориш тенденциясини олган.



2.1.1-чизма. Наманган вилоятида жами бизнес субъектларига нисбатан фаолият кўрсатганлари

Янгича иқтисодий фикрлаш мулкка бўлган муносабатларни ўзгартириб юборди. Турли мулкчиликнинг юзага келиши тадбиркорлик ва бизнес муҳитининг шаклланиши ва авж олишига олиб келди. Бугунги кунда хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлашдек стратегик тараққиётнинг энг муҳим устувор йўналиши, давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган биринчи даражали вазифаларнинг энг муҳимларидан бири ҳисобланади.

“Бу – айти пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф – яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз”¹.

Наманган вилоятида 2012-2013 йилларда оилаларнинг фаровонлиги янада ошди. Чунки уларнинг даромад манбаларини кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар жиддий қўлланилди.

Асосий Қонунимиз – Конституцияда ҳам оилавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган меъёрлар оила ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий жараёнларни йўналтиришга ҳамда ҳуқуқий тартибга солишга, ижтимоий ҳимоялашга қаратилгандир. Наманган вилоятида оилаларни нафақат қўллаб-қувватлаш, балки уларни маънавий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан тўқис бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кучайтирилди, оилаларда соғлом турмуш шароитларини қарор топтириш борасида талай ишлар амалга оширилиб келинмоқда. 2013 йилда вилоятда оилавий бизнесни ривожлантиришга ва унинг ҳуқуқий мақомини шакллантиришга эътибор жиддий бўлди. Ҳозирги кунда Наманган вилоятида оилавий тадбиркорликни ҳуқуқий тартибга солишда бир қатор қонунчилик ҳужжатлари амалда ўз кучига эга.

Наманган вилоятининг деярли барча туманларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни фаоллаштириш мақсадида маҳаллий бошқарув идоралари томонидан турли хил имтиёзлар яратилмоқда. Хусусан, кишлоқ жойларида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 1,2 мингта яқин янги иш ўринларини яратиш имконини берди.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш бизнинг бош мақсадимиздир. // Халқ сўзи. 8 декабрь, 2012 йил.

Биз миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш борасидаги чораларни кўриб борар эканмиз, «...фермерлик ҳаракати ва касаначилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўладими – мана шундай мураккаб вазифаларни аёлларимиз самарали адо этиб келаётганини катта ғурур ва мамнуният билан таъкидлаймиз»². Шундай экан, «аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин... Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир»¹.

2.1.2-жадвал

Наманган вилоятида жами рўйхатга олинган юридик шахслар
(деҳқон ва фермер хўжаликларисиз)

01.01.2014 ҳолатига

Худудлар	Юридик шахслар жами	шу жумладан:		
		кичик бизнес	шундан:	
			кичик корхона	микрофирма
Мингбулоқ	653	466	69	397
Косонсой	1153	894	76	818
Наманган	1325	1059	114	945
Норин	664	447	69	378
Поп	1232	925	102	823
Тўрақўрғон	1108	833	102	731
Уйчи	930	662	65	597
Учқўрғон	1034	778	88	690
Чортоқ	848	608	96	512
Чуст	1523	1214	135	1079
Янгиқўрғон	846	597	102	495
Наманган ш.	6927	5964	434	5530
Жами	18243	14447	1452	12995

Наманган вилоятида 2013 йил якуни бўйича 14447 та кичик бизнес субъектларидан 1452 таси кичик корхоналар мақомида ва 12995 таси микрофирмалар мақомида рўйхатдан ўтган бўлиб, асосан микрофирмалар салмоғи устуворроқ. Кичик бизнес субъектларининг энг кўп миқдори Наманган шаҳрига (5964 та) тўғри келади. Хусусан, Чуст (1214 та), Наманган (1059 та) туманларида ҳам кичик бизнес субъектлари сони бошқа туманларга нисбатан кўпроқдир. Кичик бизнес субъектларининг энг кам миқдори мингбулоқ (466 та) ва Норин (447 та) туманларига тўғри келади.

Дарҳақиқат, 2013 йилга келиб оила институтининг таълим тарбия муассасалари билан амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Бу ўз навбатида ёшлар тарбиясида, қолаверса, келажак авлод баркамоллигини шакллантиришда оиланинг алоҳида ўрни бор эканлигини аниқ намоён этмоқда. Юртимизда баркамол инсонларнинг кўпайиши оила ободлигига олиб келади. Ҳар бир оиланинг ободлиги жамиятни обод турмуш сари етаклаб боради.

² Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008. 277 бет.

¹ Ўзбекистон овози рўзномаси. 7 март. 2009.

Мулоҳазаларимизни узоқ йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқотларимиз (яъни далиллар) асосида давом эттирмоқчимиз. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали обод турмуш сари илдам қадамлаб борилаётганлиги янада ойдинлашади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, илмий тадқиқотларимиз натижаларига қараганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес юритишдан иборат бўлган мақсадлари турлича эканлиги маълум бўлди.

2.2. Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни жалб этиш амалиёти

Наманган вилоятига инвестицияларни жалб этиш борасида мулоҳаза юритилганда асосан қўшма корхоналар тўғрисида алоҳида қайд этиш керак. Айнан қўшма корхоналар бугунги кунда инвестицияларни жалб этишда устуворлик касб этмоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари ишпирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1668 сонли қарори асосида вилоят ҳокимининг 2012 йил 25 январдаги “Наманган вилоятининг 2012 йилги Худудий инвестиция дастури тўғрисида”ги 39-сонли қарори қабул қилинган.

Шу боисдан ҳам Наманган вилояти иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилмоқда. Чунки ҳар бир инвестор ўз сармоясини Наманган вилояти ҳудудига киритар экан, уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги ҳамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир. Шу сабабдан солиқ имтиёзларини тўғри йўналишларда тақдим этиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш лозим, акс ҳолда эса имтиёзларни беришдан кўзланган мақсадларга эришилмасликка олиб келади. Шунга қўра, иқтисодиётни фаол ривожлантириш кенг миқёсдаги инвестицияларни талаб қилади.

Жумладан, 2012 йилда Наманган шаҳрида 49 та (*режа 23 та*), Мингбулоқ туманида 12 та (*режа 2 та*), Косонсой туманида 14 та (*режа 9 та*), Наманган туманида 16 та (*режа 6 та*), Норин туманида 12 та (*режа 6 та*), Поп туманида 15 та (*режа 10 та*), Тўрақўрғон туманида 11 та (*режа 7 та*), Уйчи туманида 13 та (*режа 7 та*), Учқўрғон туманида 7 та (*режа 6 та*), Чортоқ туманида 10 та (*режа 6 та*), Чуст туманида 10 та (*режа 6 та*) ҳамда Янгиқўрғон туманида 9 та (*режа 4 та*) ишлаб чиқариш лойиҳалари фойдаланишга топширилди.

2013 йилда эса Наманган шаҳрида 68 та (*режа 68 та*), Мингбулоқ туманида 21 та (19 та), Косонсой туманида 29 та (27 та), Наманган туманида 26 та (25 та), Норин туманида 23 та (23 та), Поп туманида 31 та (29 та), Тўрақўрғон туманида 35 та (35 та), Уйчи туманида 36 та (35 та), Учқўрғон туманида 48 та (47 та), Чортоқ туманида 31 та (31

та), Чуст туманида 29 та (29 та) ва Янгикўрғон туманида 25 та (25 та) ишлаб чиқариш лойиҳалари фойдаланишга топширилди.

Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодий ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларимизни ишга солиб иқтисодийтимизга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини оширишимиз лозим.

Наманган вилоятида 2013 йилга келиб, инвестициялар асосида рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини ташкил этган қўшма корхоналар мулк шаклидаги кичик корхоналар сони 30 тани ташкил этади. 2012 йилда 26 қўшма корхона кичик корхона мақомида рўйхатдан ўтган. ушбу кўрсаткич 2011 йилда 19 тани ташкил этган. Шунинг қайд этиш керакки, қўшма корхоналар мулк шаклидаги кичик корхоналарни рўйхатдан ўтиш жараёнлари 2011-2012 йилларда устуворроқ бўлди, яъни ўсиш 131,6 фоизни ташкил этди. 2012-2013 йилларга келиб эса қўшма корхоналар мулк шаклидаги кичик корхоналарни рўйхатдан ўтиш билан боғлиқ ўзгариш 115,4 фоизни ташкил этди. Демак, тегишли йиллардаги солиштиришлар асосида шундай хулосага келиб мумкинки, сўнгги йилларда қўшма корхоналарни рўйхатга олиш жараёнлари уларнинг сони камайганлиги учун бир оз сустлашган. Аммо шунга қарамай ўсиш сўрватлари таъминланган.

2.2.1-жадвал

**Наманган вилоятида хорижий инвестициялар
қўшма корхоналарнинг ривожланиши¹**

Кўрсаткичлар	2011 й. ҳолатига	2012 й. ҳолатига	2013 й. ҳолатига	2013 ни 2012 га нисбатан %
Қўшма корхоналар мулк шаклидаги кичик корхоналар сони				
Рўйхатга олинган	19	26	30	115,4
Фаолият кўрсатаётган	18	25	28	112,0
Фаолият кўрсатмаётган	1	1	2	2,0 м
Рўйхатга олинган (12 ойда)	1	5	7	140,0
Рўйхатдан чиқарилган (12 ойда)			1	
Қўшма корхоналар мулк шаклидаги микрофирмалар сони				
Рўйхатга олинган	24	33	39	118,2
Фаолият кўрсатаётган	18	26	33	126,9
Фаолият кўрсатмаётган	6	7	6	85,7
Рўйхатга олинган (12 ойда)	1	2	6	3,0 м
Рўйхатдан чиқарилган (12 ойда)	3	1	2	2,0 м

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

2013 йилда Наманган вилоятида инвестициялар асосида ўқшма корхоналарнинг 28 тани кичик корхона мақомида ўз фаолиятини олиб борди. Ушбу каби кичик корхоналар 25 таси 2012 йилда фаолият кўрсатган бўлса, 2011 йилда атиги 18 таси фаолият кўрсатган. агар 2013 йилни 2012 йил ҳолати билан солиштирадиган бўлсак, ўсиш суръати 112,0 фоизни ташкил этди.

Бу ҳолатни 2012 йилни 2011 йилга солиштиргандаги ҳолатдан салбийроқ баҳолаш мумкин. Чунки 2012 йилда фаолият кўрсатган қўшма корхоналар мулк шаклидаги кичик корхоналарнинг фаолият кўрсатганлари 2011 йилга нисбатан олганда 133,3 фоизни ташкил этган. Кўриниб турибдики, ушбу кўрсаткич 2013 йил ҳолатида 21,3 пунктга камайган. аммо ўсиш суръатлари мавжуд.

Наманган вилоятида рўйхатга олинган қўшма корхоналар мулк шаклидаги микрофирмалар сони 2011 йилда 24 тани ташкил этган, 2012 йилда ушбу кўрсаткич 33 тани ва 2013 йилда 39 тани ташкил этган. Қўшма корхоналар мақомидаги микрофирмаларнинг 2011 йилда фаолият кўрсатганлари 18 та, 2012 йилда 26 та ва 2013 йилда 33 тани ташкил этган.

Шу ерда таҳлилларни яхшироқ кўриб чиқамиз. агар 2011 йилда рўйхатга олинганга нисбатан фаолият кўрсатган қўшма корхоналар мақомидаги микрофирмалар 75 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 78,7 фоизни ва 2013 йилга келиб 84,6 фоизни ташкил этган. Бу ерда кўриниб турибдики, йилдан йилга рўйхатга олинган ўқшма корхоналар мақомидаги микрофирмалар сониде фаолият кўрсатганлари ортиб борган.

Бунинг асосий сабаби шундаки, Наманган вилоятида инвесторлар учун қўлай муҳит яратилган. Ишбилармонлик муҳитининг кенг ривожланиб бораётганлиги ва иқтисодий сиёсатда инвесторлар учун йўналтирилган устуворлик бу каби натижаларга эришиши имконини бермоқда. Агар 2013 йилда 12 ой мобайнида қўшма корхоналар мулкчилик шаклидаги кичик корхоналарнинг 7 таси ва худди шундай мулкчиликка асосланган микрофирмаларнинг 6 таси рўйхатга олинган бўлса, бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан олганда анча ижобийдир. Мана шу кўрсаткичнинг ўзи ҳам инвесторлар учун шарт-шароитларнинг кенгайтириб борилаётганлигини билдиради. 2013 йилда атиги 1 та қўшма корхона мақомидаги кичик корхона ва 2 та микрофирма 12 ой мобайнида рўйхатдан чиқарилган.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарасида ва унинг ташкарасида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин. Инвестициялар ялпи ва соф инвестицияларга ажратилади. Ялпи инвестициялар – бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни қўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамғармалари ва аҳоли маблағлари қўйилмаларидир. Бошқача сўз билан айтганда, ялпи инвестициялар ўз ичига амортизация ва соф инвестицияларни қўшади. Кичик корхоналарда амортизацияни тезлаштирилган кўринишлари жорий этилиши мумкин. Соф инвестицияларни аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратилади.

Инвестиция муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши ҳукукий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади. Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондларига инвестицияларни молиялаштиришнинг ўзига хос манбалари шакллантирилган бўлиб бундай манбалари корхоналарнинг ўз ўзини молиялаштириш тамойилларига асосланган ҳолда қуйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари;
2. Банк кредитлари ҳисобига молияштирилаётган инвестициялар:
 - а) Хорижий инвестициялар

б) Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестициялар.

2.2.2-жадвалда Наманган вилояти иқтисодиётини ривожлантиришга киритилган инвестицияларда кичик бизнесга киритилган инвестициялар улуши тўғрисида маълумот берилган. Унга кўра 2013 йилда Наманган вилояти бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажми 533,1 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан олганда 115,4 фоизга ошганлигини кўрсатади. 2011 йилда вилоят бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажми 329,2 млрд. сўмни ташкил этган ва 2013 йилдаги ҳолатдан 203,9 млрд. сўмга кам эканлигини келтирилган жадвалдаги статистик маълумотлар кўрсатиб турибди.

2.2.2-жадвал

**Иқтисодиётни ривожлантиришга киритилган инвестицияларда
кичик бизнесга киритилган инвестициялар улуши¹**

Худудлар	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар, млн. сўм				Иқтисодиётни ривожлан- тиришга киритилган инвестицияларда кичик тадбиркорликка (бизнесга) киритилган инвестициялар улуши, %	
	2011 йил январ- декабр	2012 йил январ- декабр	2013 йил январ- декабр	Ўтган йил шу даврига нисбатан, %	2012 йил январ- декабр	2013 йил январ- декабр
Мингбулоқ	14084,7	18723,6	20807,5	100,0	76,0	59,2
Косонсой	18786,7	33217,4	33825,1	91,6	77,5	59,3
Наманган	25100,3	34461,1	61918,2	161,6	53,0	60,5
Норин	17338,8	27988,5	35045,6	112,6	94,6	60,6
Поп	26373,2	39648,7	47651,4	108,1	79,6	56,8
Тўрақўрғон	25262,0	35951,7	46059,4	115,2	83,7	63,0
Уйчи	36059,3	48341,1	52406,4	97,5	85,4	70,2
Учқўрғон	20868,7	27834,3	29335,8	94,8	73,1	59,7
Чортоқ	24315,0	32222,1	34681,8	96,8	81,2	64,9
Чуст	32014,8	36173,3	41577,3	103,4	75,8	67,6
Янгиқўрғон	26206,1	40166,0	39273,0	87,9	81,0	63,9
Наманган шаҳри	62823,0	40612,2	90570,0	200,6	16,8	29,5
Жами	329232,6	415340,0	533151,5	115,4	57,0	52,4

Наманган вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициялар алоҳида аҳамият касб этар экан, туманлар кесимида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажми, айниқса Наманган шаҳрида (90,570 млрд. сўм), шунингдек, Наманган (61,918 млрд. сўм), Уйчи

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

(52,406 млрд. сўм) ва Поп (47,651 млрд. сўм) туманларида катта бўлди. Масалан, Наманган шаҳрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг асосий капиталига киритилган инвестициялар ҳажми ўтган йилга нисбатан олганда 2 мартадан кўпроққа ўсди.

Бундай инвестициялар ҳажми Мингбулоқ (20,807 млрд. сўм) ва Учқўрғон (29,335 млрд. сўм) туманларида энг кам бўлди. Аммо мингбулоқ туманида ушбу кўрсаткич ўтган йилдаги ҳолатга солиштирилганда 100, фоизни ташкил этган бўлса, Учқўрғон туманида худди шу кўрсаткич 94,8 фоизни ташкил этди. 2013 йилда Косонсой туманида 33,825 млрд. сўмлик ҳажмдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициялар киритилган бўлиб, 2012 йилга нисбатан олганда 91,6 фоизни ташкил этади.

Бироқ, йилдан йилга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициялар ҳажми ортиб борса-да, иқтисодий ривожлантиришга киритилган инвестицияларда кичик тадбиркорликка (бизнесга) киритилган инвестициялар улуши 2013 йилда 52,4 фоизни ташкил этиб 2012 йилдаги (57,0 фоиз бўлган) ҳолатдан 4,6 пунктга камайган.

Эътиборлиси шундаки, фақат Наманган туманида 2013 йил ҳолатида иқтисодий ривожлантиришга киритилган инвестицияларда кичик тадбиркорликка (бизнесга) киритилган инвестициялар улуши 2012 йилдаги ҳолатдан 7,5 пунктга катта бўлиб 60,5 фоизни ташкил этди. Қолган туманларда ушбу кўрсаткич бўйича ўсиш суръати кўринмади.

Хулоса қилиб айтганда Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицияларни қўллаб бориш масалаларида у ёки бу даражадаги ижобий натижаларга эришилган. Бу ижобий натижаларни келажакда кенгайтириб бориш тенденцияларига эришиш учун маҳаллий бошқарув органлари фаолиятида иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир.

2.3. Кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестицияларни жорий этишдаги муаммолар

Наманган вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бошқа вилоятларга кўра кўпроқ даражада орттирилган ижобий тажриба мавжуд бўлса-да, аммо вилоят миқёсида, бу соҳани янада такомиллаштириш борасида кўп ишларни амалга ошириш вазифа қилиб белгилаб олинган. Чунки вилоят ишбилармонлари ҳали қатор ҳал этилмаётган муаммоларга дуч келмоқдалар.

Вилоят иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга ҳамда транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини жадал ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун вилоятга хорижий инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, меҳнат ресурслари кўп бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш ва шу асосда вилоят иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ–2069-сонли Қарори 5-бандини вилоятда бажарилишини таъминлаш мақсад қилиб олинди.

Унга кўра вилоят ҳокимлигининг Иқтисодиёт бош бошқармаси томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Молия бошқармаси, Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси ҳамда тегишли бошқармалар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган Наманган вилоятининг 2014 йилги Худудий инвестиция дастури, инвестиция ўзлаштиришнинг асосий параметрлари ишлаб чиқилди. Шунингдек, корхона ва ташкилот маблағлари, банк кредитлари, хорижий

инвестициялар ҳисобидан янги ташкил этиладиган, реконструкция ва модернизация қилиниб, фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш объектлари манзилий рўйхати илова шаклида келтирилди.

Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларига қуйидаги вазифаларни бажариш юклатилди:

- икки ҳафта муддатда корхона маблағлари, банк кредити ва хорижий инвестициялар ҳисобидан бажариладиган лойиҳаларни лойиҳа ташаббускорлари ҳамда хизмат кўрсатувчи банклар билан ҳамкорликда ойма-ой амалга ошириш тармоқ-жадвалини ишлаб чиқиш ва вилоят ҳокимлигига келишиш учун тақдим этиш;

- ҳудудий инвестиция дастурига киритилган корхона маблағлари, банк кредити ва хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни бажарилиши юзасидан ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 3 санасига вилоят ҳокимлиги ва вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасига маълумот тақдим этиб бориш;

2.3.1-жадвал

**Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари
томонидан берилган кредитлар¹**

Худудлар	Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тижорат банклари томонидан берилган кредитлар, млн. сўм			Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига қайта молиялаштирилган ҳолда берилган эркин муомаладаги валюта (СКВ) кредитлари	
	2011 йил январ-декабр	2012 йил январ-декабр	2013 йил январ-декабр	2012 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)	2013 йил январ-декабр (минг АҚШ дол.)
Мингбулок	5319,0	7039,8	9171,0		
Косонсой	6735,6	8781,8	10816,0		
Наманган	6233,7	8147,7	10650,6		
Норин	4988,6	6463,4	8428,6		
Поп	8131,7	10906,7	14179,1		
Тўрақўрғон	7141,5	9548,4	11330,4		
Уйчи	7867,3	10454,4	9961,2		
Учқўрғон	9723,1	12817,7	16029,5		
Чортоқ	7837,0	10384,3	12996,7		
Чуст	8458,6	11208,9	13968,7		
Янгиқўрғон	5884,7	7840,1	11694,0		
Наманган ш.	90186,9	121653,0	165134,6		
Жами	168507,7	225246,2	294360,4	0,0	0,0

- мазкур қарордаги ижтимоий ва инфратузилма объектлари ҳамда корхона маблағлари, банк кредитлари ва хорижий инвестициялар ишгиросидаги ишлаб чиқариш лойиҳаларини ўз муддатида ва сифатли бажарилишини доимий мониторингини олиб бориш ҳамда муҳокама йиғилишларини ташкил этиш;

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

- мазкур қарорбўйича лойиҳалар маълум сабабларга кўра бажарилмаган тақдирда, белгиланган тартибда жойлардаги ҳокимликлар томонидан берилган таклифларга асосан ўрнига қиймати, қуввати ва яратиладиган иш ўринларидан кам бўлмаган лойиҳаларга алмаштириш чораларини кўриш.

Наманган вилояти ва унинг туманларида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги иқтисодий жиҳатдан салбий тўсиқлар кўп ҳолларда инвестициялардан фойдаланиш имкониятларини чегаралаб қўймоқда. Фақат Наманган вилоятида эмас, балки аксарият вилоятларда ишлаб турган хусусий тадбиркорлик корхоналарининг деярли кўпчилиги ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўя олмаётган.

Хусусий тадбиркорлик фаолияти субъектларининг пухта ишланган лойиҳалари ва истиқболий ташаббуслари зарур молиявий ресурслар ва амалий қўллаб-қувватлаш тизимининг сушт фаолиятига кўра турли сабаблар натижасида амалга оширилмай қолиб кетмоқда. Шу туфайли тадбиркорлик фаолиятига асосланган корхоналарнинг банкротга учраши ҳоллари рўй бермоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, кичик ва хусусий корхоналар субъектлари ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички омиллардан кўра кўпроқ ташқи омилларга боғлиқлигини таъкидламоқдалар (2.3.1-чизмага қаранг). Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра корхонанинг ташқи муҳити билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.



2.3.1-чизма. Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланишга салбий таъсир этувчи омиллар¹

Айниқса, банк кредитларидан фойдаланишда, уларни олиш тартиботлари мураккаблиги туфайли чет эл кредит ресурсларини олишдаги қийинчиликлар, қарз олишни таъминлаш бўйича талабларнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик ва хусусий

¹ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тадбиркорлик корхоналари учун юқорилиги (кредит суммасидан 120 фоизгача, бундан ташқари кредит суммасининг 25 фоизи ўз маблағлари бўлиши керак), қарзларни рўйхатга олиш бўйича меъёрий талабларнинг юқорилиги бизнес сектор фаолиятини сусайтирмоқда.

Наманган вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорлик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган муаммолар маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Булар қуйидагича:

- валютани эркин айрбошлашда сунъий тўсиқлар мавжудлиги;
- хорижий кредит йўналишлари бўйича кредит маблағларини қайтариш имкониятларининг чекланганлиги;
- айрим хом ашё ресурслари турларига ижозат чегараланганлиги;
- солиқ тизимида мажбурий бўлган тўрачилик тартиботлари: экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш, ҳар хил фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, кредит олиш учун кўп миқдордаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва хоказоларнинг қўплиги;
- бизнес-режаларни ишлаб чиқишда тажриба етишмаётганлиги;
- тадбиркорлик ва кичик ва хусусий тадбиркорлик секторига ўзлаштирилган экспорт маҳсулотларини сотишда қўмаклашиш учун профессионал маркетинг тузилмаларининг етишмаслиги;
- тадбиркорлик маданиятининг етишмаслиги туфайли кредит, молия ресурсларини олиш борасида қийинчиликлар мавжудлиги;
- хусусий тадбиркорлик соҳасида пухта тайёргарлик кўрган, профессионал жиҳатдан ўқувли ташкилотчилар, раҳбарларнинг етишмаслиги.
- хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш учун хорижий бозорларни билмаслик;

Юқорида келтирилган фикрлардан қайд этиш мумкинки, Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантиришда инвестициялардан фойдаланиш асосида фаолият юритаётган корхоналарнинг аксарияти ташқи муҳит таъсиридан юзага келган муаммоларга кўпроқ дуч келмоқда.

Кўпчилик кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ички ҳам сезиларли даражада корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ажратилган инвестиция маблағларидан мақсадли фойдаланмаяптилар. Бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда суст.

Аммо шуни қайд этиш керакки, вилоятда кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этишда ноишлаб чиқариш томонга, айниқса, савдо-тайёрлов ва улгуржи воситачилик томонга бурилиб кетиш кўзга ташланмоқда.

Эътиборлиси шундаки, кўпчилик тадбиркорлар структурасида, айниқса, ишлаб чиқариш билан банд бўлган тадбиркорлар доирасида айланма маблағга муҳтожлик сезилмоқда. Қарзга олинган маблағ фоизлари ва кредит беришнинг талабларига ҳар доим ҳам қодир бўлмагани учун банк кредитларидан ҳар ким ҳам фойдалана олмайди.

Шунинг учун тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантиришда шахсий жамғармасидан ёки таъсисчилар бадалидан тузилган (ташкил топган) бошланғич сармоядан фойдаланадилар. Бундан ташқари, тадбиркор эркин муомаладаги валютада кредит олишида кўпгина харажатлар қилади. Масалан, тадбиркор 1 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит олиш учун унинг харажатлари 3,3 млн. сўмга яқин маблағни ташкил этади. Бошловчилар учун бундай миқдорда маблағни топиш албатта машаққатли. Бунга яна лойиҳа ташаббускорининг маълумоти даражасининг юқори эмаслиги ва ташқи иқтисодий фаолиятда тажрибанинг йўқлиги қўшилади.

Ҳаттоки, кредит олгандан кейин ҳам айрим тадбиркорлар 3-4 ойлаб ундан фойдалана олмайдилар. Мана шу вақт ичида шартномалар бузилади, товарга бўлган нарх эса ўзгаради. Бу бизнес режадаги ҳисоб кўрсаткичларининг ўзгаришига ва режалаштирилган дастурларнинг бажарилмаслигига олиб келади. Бу эса ўз навбатида

рақобатчилик шароитида таваккалчилик даражасини оширади, бу эса ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига ёки банкротга ўчрайдиган иқтисодий тангликка олиб келади.

Наманган вилоятида туманлар бўйича олганда ҳам фаолият кўрсатмаган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг йиллар бўйича динамикаси тўлқинсимон тенденцияга эга. Ижобий вазият фақат қўшма корхона мулк шаклидаги кичик корхоналарда сақланиб қолмоқда.

Мулк субъекти эркин ва мустақил равишда ўзининг объектини ихтиёрий тарзда ўзлаштиради. Аммо айрим раҳбар ходимларда боқимандалик руҳияти сақланиб қолган. Шунинг учун улар кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига «хомийлик қилиб беринг» қабилда бюрократик муносабатларни давом эттирмоқдалар. Ачинарлиси шуки, уларнинг ҳисоб рақамларидаги миқдорнинг ҳажмига қараб «хомийлик»ни белгилашмоқда. Бундай ҳолат кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан олиниши керак бўлган даромадга албатта салбий таъсирини кўрсатади.

Масалан моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиikka риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шакллари яратиш, қишлоқ жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар.

Бизнинг ёндашувимиз шуки, бугунги кунда айрим ходим ва раҳбарларнинг ножўя хатти-ҳаракатларини тўхтатиш туфайли кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини режалаштириш йўналишида жужий муаммолар пайдо бўлган. Шу боис, ислохотларни чуқурлаштириш йўлида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир давлат миқёсидаги бундай муаммоларни ҳал этиш давлат сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

3-боб: Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнесни ривожлантириш ва инвестициялар самарадорлигини янада ошириш йўллари

3.1. Кичик бизнес корхоналари учун хорижий кредит линияларини очиш

Кредитлашнинг мажбурий шартлари.

Кичик ва хусусий бизнес субъектларини чет эл кредит линиялари орқали кредитлаш учун бир қанча мажбурий шартларга риоя этилиши керак:

- Кредитлар фақат инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учунгина берилади;
- Молияланадиган лойиҳалар валютада ўзини оқлайдиган бўлиши керак;
- Корхоналарнинг валюта тушуми кредитларга хизмат кўрсатиш ва уларни қайтариш учун корхонанинг импорт эҳтиёжларини ва бошқа мажбурий тўлов турларини қоплаш учун етарли бўлиши керак.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун фақат сўм кредитларининг берилиши замонавий юқори рақобат бардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш вазифалари ҳал қилинишини таъминламайди. Бунда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Германия ривожланиш кредит агентлиги, Япония банки, Канаданинг «Раанани Холдинг» компанияси ва бошқа хорижий ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган кредит линиялари ҳам асосий ўрин тутиши керак бўлади.

Мувофиқлаштириш. Савдо-саноат ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси томонидан амалга оширилаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини қўллаб-қувватлаш тадбирларини мувофиқлаштириш кичик тадбиркорликка инвестицияларни жалб қилиш бўйича бозор инфратузилмаси интилишларини амалга оширишнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади. Палата ҳар ҳафта «Ўзтадбиркорбанк», тижорат банклари ва бошқа муассасалар раҳбарлари ишпирокида мувофиқлаштириш мажлисларини ўтказди. Уларда вужудга келаётган муаммолар оператив қыриб чиқилади ва ҳал қилинади. Бу эса кредит линиялари бўйича лойиҳаларнинг ўтишини анча тезлаштиради.

Тадбиркорлик тузилмаларининг кредит ресурсларига эришиши амалий механизмининг шакллантириш мақсадида Савдо-саноат палатаси қуйидаги йыналишларда кенг фаолият олиб бормоқда:

- инвестиция лойиҳалари ўтиши ва амалга оширилиши самарадорлиги мониторинги ташкил этилган, у Палата ва тижорат банклари, бюджетдан ташқари фондлар, инжиниринг компаниялари ўртасида ахборот алмашиш ягона тизимини таъминлайди.

- «Бюджетдан ташқари фондлар томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан кичик ва хусусий бизнес субъектларини кредитлаш тартиби» ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, вилоят палаталари учун эса «Кичик ва хусусий бизнес инвестиция лойиҳаларини кузатиш ва амалга ошириш самарадорлиги мониторинги тартиби» жорий қилинди;

- хорижий кредит линиялари ҳисобига кредит олишга номзодлар танлаш танлов комиссиялари шакллантирилди; улар таркибига лойиҳани техник иқтисодий асослаш (ТИА) ва бизнес режаларни ишлаб чиқиш ҳамда лойиҳалар ташаббускорларига маслаҳат бериш тезкор гуруҳлари киритилди; муҳим инвестиция лойиҳалари ҳақида маълумотлар банки жамланди, кредит олиш учун танловда қатнашишга кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аризалари портфели шакллантирилди;

- маҳаллий ва хорижий фирмалар ускуналари ва технологиялари ҳақида, ўтказилган технология кўргазмалари ҳақида мунтазам хабардор қилиш тизими ташкил қилинган; кичик ва хусусий корхоналар учун технология ускуналари махсус реестри (73 номда) тузилди;

- Палатанинг «Хусусий фирмалар, кичик ва хусусий корхоналар қандай қилиб кредит олиши мумкин» ахборотномаси чиқарилди, «Ўзбекистон Республикаси кичик ва хусусий тадбиркорлик корхоналари учун инвестиция таклифлари регистри», «Кичик ва

хусусий корхоналар учун мини-технологиялар ва ускуналар каталоги» 1-кисми нашр қилинди;

– тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мунтазам иш олиб борилмоқда (кредитларни олиш ва қўллаш жараёнида пайдо бўладиган бахсли масалалар ва низоли вазиятларни ҳал қилишда).

Бундан ташқари, Савдо-саноат палатаси томонидан иқтисодиётнинг тадбиркорлик сектори инвестиция истикболини тўлиқ миқёсда амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар таҳлил қилинмоқда, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда ва ҳукумат органларига тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 31 январ ПФ-1702-сонли Фармони бажариш тахминан 350 млн. АҚШ долларида иборат чет эл кредит линияларини ўзлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Ҳозирча чет эл кредит линияларининг 50 фоиздан камроғи ўзлаштирилган. Бунга сабаб нима? Масалан, ЕТТБ кредитини олиш учун зарур бўлган кичик ва хусусий корхона лойиҳасининг (хусусий сармоянинг улуши камида 50 фоиз бўлган) асосий мезонларини кўриб чиқамиз:

Чет эл валютасида кредитлар олишнинг асосий мезони шуки, чет эл валютасида қарз олувчидан тўловлар барқарор келиб туриши, яъни назарда тутилаётган лойиҳа экспортбоп бўлиши керак.

Мезон кредит суммаси муҳимлиги жиҳатдан иккинчи ўринда туради. У ЕТТБ ажратадиган линия учун 100 000 доллардан 5 000 000 долларгача ораликда бўлади. Бу эса сўмга айлантириб ҳисоблаганда (курс бўйича 1 доллар учун масалан: 2250 сўм) 225 млн. сумдан 11,2 млрд. сўмгача бўлган суммани ташкил этади.

Қарз олувчининг ўз маблағлари юқорида тилга олинган иккита мезонни назарда тутган ҳолда лойиҳанинг дастлабки қийматида камида 25 фоизни ташкил этиши керак.

Гаров таъминоти кредит суммасининг камида 120 фоизи миқдорида бўлиши керак. Шу билан бирга лойиҳа бўйича ётказиб бериладиган ускуна баланс қийматининг 60-70 фоизи миқдорида баҳоланади. Яъни у қарз олувчи лойиҳа қийматининг камида 50-60 фоизи ёки камида 50 000 долларлик кафолатга ёки ўз мол-мулкига эга бўлиши керак.

Чет эл валютасида кредитлар олишнинг асосий мезони шуки, чет эл валютасида қарз олувчидан тўловлар барқарор келиб туриши, яъни назарда тутилаётган лойиҳа экспорт боп бўлиши керак.

Кредит учун тўланадиган фоизлар қуйидаги суммадан иборади бўлади: LIBOR+ЕТТБ маржаси+Ўзбекистон банки маржаси+кредит суммасидан бир марта олинадиган 1,5 фоизлик воситачилик ҳақи+мажбурият учун тўловлар тамом бўлгунча олинадиган йилга 0,7 фоиз миқдоридаги воситачилик ҳақи. Бунга банк воситачилик ҳақини (маблағларни ўтказиш, аккредитив очиш ва бошқаларни) гаров шартномасини руйхатдан ўтказиш ва гаровни суғурталаш харажатларини, лойиҳалаш харажатларини қўшиш керак бўлади. Тўловлар ҳар олти ойда амалга оширилади. Имтиёзли давр - 2 йил, кредитнинг энг узоқ муддати 7 йил.

Юқорида айтиб ўтилган мезонларга мувофиқ, корхона лойиҳасининг ушбу мезонларга тўғри келадиган қиёфасини чизишга уриниб кўрамиз.

Айтайлик, Ўзбекистонда инвестиция шарт-шароитлари жаҳондаги шарт-шароитлар билан бир хил бўлсин. Ана шунда умум қабул қилинган discounted cash flow усулидан фойдаланилганида ЕТТБ кредитлари бўйича олинадиган дисконт ставкаси 12 фоиздан юқори бўлиб, у бизнинг лойиҳамизни сармоя қиймати юқори бўлган лойиҳалар жумласига киритиб қўяди. Шундай қилиб, лойиҳа ликвидли бўлиши учун уни амалга ошириш иложи борида тез самара бериши керак.

Мисолимиздаги лойиҳадан хизмат кўрсатиш соҳаларига қарашли корхоналарни чиқариб ташлаймиз. Чунки нақд пул тушумини олдиндан белгилаш қийин бўлади.

Ишлаб чиқариш соҳаси корхоналарига мурожаат қиламиз: сотишдан тез самара олиш талаб қилинганлигидан, ёрдамчи инфратузилман барпо этишга кўп миқдорда маблағ сарфланадиган лойиҳаларни чиқариб ташлаймиз: худди шу сабабга кўра, хом ашё юқори даражада қайта ишланадиган ва тугаш корхоналарнинг иши билан бошқа, ҳисоблаб чиқариш қийин бўлган хатарларга боғлиқ бўлган лойиҳаларни рад этамиз.

Корхона лойиҳасининг ҳосил бўлган интеграл кийфасини кўриб чиқамиз. Уни қуйидагилар кўрсатиб турди:

- Қарз олувчининг камида 25000 АҚШ доллари тенг бўлган ўз маблағлари.
- Камида 25000-35000 АҚШ доллари тенг бўлган кафолатлар.
- Асосий қарзни ва унинг юзасидан тўланадиган фоизларни 7 йилгача бўлган муддатда қоплашни таъминлайдиган баркарор валюта даромади.

Корхона лойиҳаси ишлаб чиқариш соҳасига тегишли бўлиши, шу билан бирга, ёрдамчи инфратузилмани барпо этиш учун катта харажатлар қилинмаслиги ва хом ашё паст даражада қайта ишланиши керак. Хом ашёни қайта ишлаш даражаси паст бўлганида кафолатланган юқори даромадни хом ашёнинг ички нархи (жаҳон нархига нисбатан) кредит қайтариб бериладиган бутун муддатда қатъий белгилаб қўйилганида олиш мумкин.

Равшанки, корхона амал қилиб турган ишлаб чиқариш циклига кириши ёки уни тўлдириши керак. Бу эса бажариш мумкин булган шартдир.

Биз кичик ва хусусий корхоналар кредит олиши учун корхона лойиҳасини молиялаш усулини таклиф қиламиз. Бунинг учун ОТАЖдаги меҳнат жамоаларининг улуши (одатда, бу улуш 26 фоиз бўлади) базасида ишлаб турган ишлаб чиқариш цикли таркибига кириши ёки уни тўлдириши мумкин бўлган корхона барпо этамиз. Бу эса қийдаги афзалликни беради: қарздорнинг ўз маблағлари қийматини баҳолаш чоғида унга қайта ҳисоблаш коэффициентларини (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.1994 йилдаги 307-сонли ва 28.11.1994 йилдаги 572-сонли қарорларига ҳамда ЎзР Молия вазирлигининг 09.03.1993 йилдаги 40-сонли ва 14.12.1994 йилдаги 121-сонли хатларига мувофиқ) қўллаш ҳамда қурилиш материаллари баҳоси қимматлашувининг ўртача коэффициентига кўпайтириш мумкин бўлади.

Бу лойиҳани аниқ мисолда кўрсатамиз. 4 000 000 тонна чигитли пахта қайта ишланганда тахминан 100 000 тонна чиқинди чиқади. Бу чиқинди амалда қайта ишланмайди. Илғор чет эл технологиясидан фойдаланиш ана шу чиқиндидан унинг нархига қараганда икки барабар қиммат турадиган (агар чиқиндининг, электр энергиясининг, меҳнат ресурсларининг нархлари кредит қайтариб бериладиган бутун муддат давомида ўзгартирилмаса) пахта толасини қўшимча олиш имконини беради.

«Trutzschler» (Германия) фирмасининг чиқиндини қайта ишлайдиган, унумдорлиги соатига 300 кг бўлган линиясини харид қилиш баҳоси ўрнатиш ва ташиб келтириш ҳақини кўшганда 1 млн. DM.

Лойиҳани амалга ошириш учун ҳар қандай пахта заводида меҳнат жамоаси акциялари улуши базасида ОТАЖ шаклида хусусий корхона ташкил этиш мумкин (бу корхона мустақил қилиб ажратилади). «Ўздавпахтасаноатсотиш» тизимида пахта заводларининг нархи ўрта ҳисобда 10 000 000 сўм билан 20 000 000 сўм оралиғида. Меҳнат жамоаси акциялари ҳиссасига тўғри келадиган ўз маблағларини қайта баҳолашни ҳисобга олганда 600 000 DM кифоя қилади. Корхона биринчи йилдаёқ валюта тушумига эга бўлганлигидан, манфаатдор инвесторлардан ҳам кафолат олиш мумкин бўлади.

Бир тонна чиқиндининг қатъий нархи 350 DM бўлиб, йилига 12 фоиз шарти билан кредит олинса ва бир йиллик чиқинди сарфи 2000 тонна (пахта толасининг чиқиши 50 фоиз) бўлса, лойиҳа 3 йилда ўзини оқлайди (техникавий иқтисодий асослар ЎзР ФА иқтисод институти ҳузуридаги илмий конструкторлик маркази томонидан ишлаб чиқилган).

ОТАЖдаги меҳнат жамоалари улушини кичик ва хусусий корхоналарга кредитлар ва бошқа кредит линиялари олиш учун капиталлаштиришдан фойдаланиш экспортбоп ишлаб

чиқариш корхоналарини барпо этишни тезлаштириш ҳамда аҳоли маблағларини фонд бозорига жалб этишни фаоллаштириш имконини беради.
+++++ққ==xxxxхўўыxxxx

3.2. Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестицион сиёсат ва инвестициялар жалб этишни кенгайтириш

Хар қандай жамиятнинг яшаши учун ишлаб чиқариш узлуксиз давом этиши шарт. Айниқса ҳозирги даврда ишлаб чиқариш соҳасининг узлуксизлигини таъминлаш жаҳон ҳамжамиятида ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқдаки, бу каби жараёнлар у ёки бу жамиятнинг нақадар ривожланаётганлигидан далолат бермоқда. Агар узлуксизлик таъминланмаса, яъни узилиш юз берса, кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари қондирилмайди. Ишлаб чиқаришнинг доимий тақорланиб туриши ва умуман иқтисодиётнинг аҳволи инвестицияларнинг ҳолатидан келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Республика Президенти И.А.Каримов раҳбарлиги остида хорижий инвестицияларни мамлакатимизга кириб келишига катта имкониятлар яратилди. «Аммо шуни қайта-қайта таъкидлаш керакки, чет эл сармояси Ўзбекистонга келишининг асосий шарти республикаimizдаги барқарорликдир»¹.

Турли мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг афзаллик жиҳатлари тўғриси турлича ёндашилади. Бундай давлатлар иқтисодиётида хорижий **инвестициялар** муҳим ўрин эгаллаган. Бошқача айтганда, хар қандай давлат ҳудудий иқтисодиётни бошқаришда, у ёки бу тарзда ўзининг инвестицион сиёсатини юритади. Ўзбекистонда эса айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида **инвестицион сиёсат ва инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш** объектив иқтисодий омил сифатида майдонга чиқди.

Масалан, АҚШ иқтисодиёти дастлаб Нидерландия, кейинчалик Англия, Канада, Германия, Япония инвестицияси таъсирида кучайган. Хусусий капитал экспорти бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллаб келаётган давлат – Япония ҳам, ўз иқтисодиётини чет эл капиталисиз тасаввур қила олмаган.

«Шарқ йўлбарслари» деб аталган Жанубий Корея, Таиланд, Малайзия, Сингапур каби давлатлар ҳам хорижий инвестиция туфайли ривожланди. Жанубий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида эса, Япония инвестицияси салмоқли ўринни эгаллайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз даврида «жаҳон фабрикаси» номини олган Хитой 1990 йилда 10,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармояни ўзлаштирган. 2005 йилга келиб бу рақам 68 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Шубҳасиз иқтисодиётдаги мўъжиза туфайли Чин юрти бирин-кетин Германия, Франция, Англия ва Япония сингари гигантларни қувиб ўтди. Айрим иқтисодчиларнинг эътироф этишларича, 2030 йилга бориб Хитой АҚШни ҳам ортда қолдириши мумкин. Вашингтондаги Петерсон халқаро иқтисодиёт институтининг эксперти Николас Ларди эса, охириги ўнйилликда Хитой Японияни ортда қолдирганлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб «...кўпчилик давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар хорижий мамлакатлардан сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига қўтарила олмас эди»¹. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва бошқариш заруриятини юзага келтирувчи омиллардан бири – инвестицион сиёсатни изчил олиб бориш, яъни қонунларга асосланиб, пул-кредит ресурсларининг тақчиллиги туфайли республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб қилишда кучли рағбатлантирувчилик сиёсатини олиб бориш зарур.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. –Т.: Ўзбекистон, 1993. 108 бет.

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 45-бет.

«Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш — ислохотлар стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодий тузилиши қайта қурилишининг белгиланган йўналишлари, экспорт имкониятининг кенгайтирилишига бакуват инвестиция сиёсатини ўтказиш йўли билангина эришиш мумкин»¹.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида, кам-кўстсиз ўзлаштириш биз учун ор-номус иши бўлиши керак»¹

Мамлакатда инвестиция фаолиятининг натижалари ва унинг аҳволини қуйидаги кўрсаткичлар динамикаси характерлайди:

1. Инвестицияларнинг умумий ҳажми;
2. Ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) инвестицияларнинг улуши;
3. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида реал инвестицияларнинг улуши;
4. Реал инвестицияларнинг умумий ўсиши;
5. Асосий капиталга йўналтирилган реал инвестицияларнинг улуши ва бошқалар.

Бундан ташқари, инвестиция фаолиятининг қандай ҳолатда эканлиги асосий **макроиқтисодий кўрсаткичларнинг** ўсиш даражаси билан ҳам характерланади:

Миллий даромад;

ЯИМ ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ);

Саноат ишлаб чиқариш ҳажми;

Саноат маҳсулотларининг алоҳида турларини ишлаб чиқариш;

Ишлаб ҳажми ва бошқалар.

Айрим экспертларнинг баҳолашларга кўра, ҳар 3% инвестиция миқдорининг тушиши 1% ЯИМни камайишини билдиради.

Бугунги кунга келиб инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг иқтисодий мазмуни ва уни баҳолаш тамойиллари ишлаб чиқилган. Бундай баҳолаш услублари инвестицияни қўллашдаги самарадорлик кўрсаткичларининг даражаларини намаён қилади.

Инвестиция фаолияти деганда инвестициядан фойдаланувчи субъектларнинг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари мажмуаси тушунилади. Инвестицион фаолиятни йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси биринчи навбатда ўз манфаатини кўзлаб ягона бир мақсадга, яъни фойда олишга ёки ижтимоий самара олишга интилади.

Инвестиция фаолиятида инвестиция субъекти, инвестиция объекти, инвестор, эмитент, инвестиция ресурслари каби тушунчалар мавжуд.

2010 йилнинг статистик маълумотларига қараганда, Ўзбекистон 170 га яқин (жаҳон мамлакатларининг 68%ни ташкил этади) давлатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатган бўлса, 80 дан ортиқ давлатларга ўз маҳсулотини экспорт қилмоқда.

Республикада инвестицион сиёсатнинг мазмуни ва йўналишлари кўпроқ қуйидаги ҳолатларга боғлиқ: биринчидан, ички капиталнинг етишмовчилиги; иккинчидан, ишлаб чиқариш тор доирада, яъни бир томонлама ривожланганлиги; учинчидан, техника воситаларининг эскириб қолганлиги; тўртинчидан, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш зарурлиги. Шу туфайли амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос йўналишларидан келиб чиқиб, инвестицион вазиятни янада яхшилаш учун қуйидаги шартларга эътибор бериш лозим:

- инфляцияни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларнинг олдини олиш (бу инвесторнинг реал оладиган фойдасини қўпайтиради);
- миллий валюта (сўм)нинг қувватини мустаҳкамлаш (жаҳон бозоридаги ишончини ошириш);

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. / Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Т. 3. —Т.: Ўзбекистон, 1996. 349-бет.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. —Т.: Ўзбекистон, 1999. 329-бет.

- инвесторлар учун республикада олиб борилаётган ишлар бўйича батафсил ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида солиқларнинг энг минимал меъёрини белгилаш;
- имкон даражасида энергия ресурсларига бўлган баҳоларни камайтириш;
- капитал қўйилмалар тузилишида рўй берадиган нохуш ўзгаришларнинг олдини олиш, акс ҳолда, уларнинг жамият учун ялпи фойдалилиги ошсада, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиши рўй бермайди. Бунга мисол: ишлаб чиқаришга давлат аралашуви кенгайтириш билан корхоналар ўз маблағларининг бир қисmini атроф-муҳит ва соғлиқни муҳофаза қилиш учун сарфлашга мажбур бўлишидир;
- транспорт ва алоқа коммуникацияси муаммоларини ҳал этиш, чунки қулай ривожланган транспорт ва алоқа тизимсиз республиканинг иқтисодий салоҳиятини кенгайтириб бўлмайди;
- аҳолининг сиёсий ва маънавий маданиятини янада ошириш;
- ҳар икки (инвестор ва унинг капиталидан фойдаланувчи) мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиб, самарали ҳамкорликни кучайтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаришда инвестицион сиёсат юритиш ва уни кенгайтириш муҳим аҳамият касб этар экан, давлатимиз томонидан ушбу йўналишда белгиланган устувор вазифаларни бажарилишида фаол иштирок этмоғимиз даркор.

3.3. Кичик бизнесни ривожлантиришда инвестиция жараёнларини такомиллаштириш ва унинг босқичлари

Инвестиция жараёнларида, кичик корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашда банкларнинг иштирокини кенгайтириш, уларнинг инвестиция маркази сифатидаги ролини ошириш мақсадида:

- банклар томонидан иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги янги инвестиция лойиҳаларини давлат инвестиция дастури доирасида ўз маблағлари ҳисобидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлаш;
- инвестиция лойиҳаларини кредитлаш амалиётини кенгайтириш мақсадида кредитлаш бўйича Ташаббус марказини ташкил этиш;
- тадбиркорлик субъектларига банк, лизинг, суғурта, консалтинг, инжиниринг, юридик ва бошқа хизматларни кўрсатиш бўйича Ягона ахборот консалтинг марказини яратиш;
- банклар таваккалчилигини бошқаришда суғурта механизмларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш;
- банкларнинг узоқ муддатли ресурс негизларини шакллантириш мақсадида омонатлар бўйича манфаатли шарт-шароитлар яратиш, миқдорларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш мақсадида замонавий дастурий маҳсулотлар ва технологиялар, шунингдек янги молиявий воситалар, шу жумладан субординацияланган қарз, банклар акцияларига конвертацияланадиган облигацияларни, шунингдек талаб қилиш ҳуқуқларини бировга бериш каби воситаларни жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга ошириб борилди.

Ҳар қандай лойиҳа ғоядан уни амалга оширишни бошлашга қадар кетма-кетликда қуйидаги босқичлардан ўтади: лойиҳанинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш; бизнес-режани тайёрлаш; инвестиция босқични амалга оширишни бошлашга тайёргарлик.

Лойиҳанинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш. Лойиҳанинг концепцияси маркетинглар томонидан ишлаб чиқилади. Бу лойиҳа ташаббускор қатнашчилар билан биргаликда ёки раҳбарият билан биргаликда молиявий таҳлил қатнашчилари томондан ишлаб чиқилади. Ушбу босқичда экспорт баҳолаш ва йирик ҳисоб-китоблардан фойдаланилади. Мақсад бу лойиҳа стратегик жозибага эга эканлигини аниқлашдир. Бу босқичда лойиҳага раҳбар тайинланиши мумкин.

Бизнес – режани тайёрлаш. Бу босқич техник мутахассислар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва ҳоказоларнинг лойиҳани баҳолаш босқичидир. Айнан бизнес-режани тайёрлаш даврада ишнинг график режаси тузилади, лойиҳани амалга ошириш ташкилий ва ҳуқуқий чизмаси, керакли инвестициялар ва молиявий манбалар аниқланади. Салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш учун инвестициянинг самарадорлиги ҳисобланади.

Инвестиция босқичини амалга оширишни бошлашга тайёргарлик. Бу босқичда компаниянинг бюджетига лойиҳа бўйича харажатлар киради. Агар лойиҳа раҳбари тайинланмаган бўлса, раҳбар тайинланади, ишчи гуруҳи тузилади, лойиҳа қатнашчилари аниқланади, битимлар имзоланади. Лойиҳа қиймати, манбалари ва молиявий шартлари аниқланади. Учала лойиҳа босқичидан энг аҳамиятлиси бизнес-режани ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Бизнес-режа салоҳиятли инвесторни қизиқтирадиган энг муҳим саволга келгусидаги инвестициянинг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради. Инвестиция лойиҳасининг иқтисодий самарадорлиги – бу категория инвестиция лойиҳасининг мақсадини ва унинг қатнашчиларининг қизиқишларини акс эттиради.

Муваффақиятли инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соф фойдани кўпайтиради. Бу фойда лойиҳа қатнашчилари бўлган акциядорлар, корхона менежерлари, банк менежерлари ўртасида тақсимланади.

Лойиҳа самарадорлигини аниқлашнинг 2 кўриниши бор: лойиҳа самарадорлиги ва лойиҳа қатнашчиларининг самарадорлиги.

Лойиҳа самарадорлиги. Инвестиция лойиҳасининг бутунлигича баҳолаш самарадорлиги ижтимоий ва савдо позициялари билан бирга ишлаб чиқилади. Берилган самарадорликни баҳолаш инвестиция манбалари ҳисобисиз ишлаб чиқилади.

Лойиҳа қатнашчиларининг самарадорлиги молиялаш чизмаси ишлаб чиқилгандан кейин амалга оширилади.

Лойиҳа қатнашчилари бўлиб лойиҳани амалга оширувчи корхона ва унинг акциядорлари, лойиҳани кредитлаштирувчи банклар, лойиҳа учун ускунани тақдим этувчи лизинг компанияси ҳисобланади. Жамият учун аҳамиятли лойиҳалар молиявий томондан давлат ёки маҳаллий ҳокимият ёрдами талаб қилинади. Бир қанча инвестиция лойиҳаси қатнашчиларининг мавжудлиги турли лойиҳалар устунлигида улар қизиқишларининг турли муносабатларда мос келмаслигини олдиндан аниқлайди.

Ҳар бир қатнашчида ҳар бир тўғридан-тўғри қатнашувчи учун ва самарали кўрсаткичлар ҳисоби учун махсус пул оқимлари шакллантирилган. Лойиҳада қатнашиш ҳар бир потенциал инвестор учун фойдали бўлиши керак. Акционерлик компанияси учун лойиҳа самарадорлиги келгусида дивидент кўринишида олиниши мумкин бўлган даромадлар ва акцияни сотиб олишдаги харажатларни аниқлайди.

Лизинг битимларини имзолашда лизинг берувчиларнинг даромади лизинг тўловлари бўлади.

Кўп ҳолларда иқтисодий самара олиб келмайдиган лойиҳалардан узоқлашиш керак. Самарали лойиҳаларга ижтимоий тармоқдаги ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлайдиган харажатларни камайтириш сифатни оширувчи лойиҳалар бўлиши мумкин. Булар компания даромадига билвосита таъсир кўрсатади.

Инвестициялар самарадорлигига таъсир этадиган омилларни аниқлаш керак. Бу таъсир қимматли қоғозларнинг қиймати ўзгариши ҳисобига қўшимча инвестицияларни жалб қилмасдан, лойиҳани капиталлаштириш ўзгаришида намоён бўлади.

Бироқ, юқоридаги мулоҳазаларимизни амалга оширишда инвестиция ресурслари муҳим роль ўйнайди. Инвестиция ресурслари – бу инвестицион фаолиятни амалга оширишда ишпирик этадиган ҳар хил кўринишдаги маблағлардир. Булар жумласига қуйидагилар киради:

- Пул ва бошқа молиявий маблағлар (кредитлар, пайлар, акциялар, қимматбаҳо қоғозлар).

- Кўчар ва кўчмас мол-мулклар (бинолар, иншоотлар, уснуналар ва бошқалар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

- Тажриба, ишлаб чиқариш ноу-хауси.

- Ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи.

Мана шу инвестиция ресурслари асосида кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш мумкин. Молиялаштириш жараёнларида меъхёрий-ҳуқуқий асосларга эътибор кучли бўлиши лозим. Инвестиция ресурслари қанча чекланмаган бўлса, инвестициядан фойдаланувчи учун шунча имконият катта бўлади. Жаҳон сармоядорларида мамлакатимиз олиб бораётган сиёсатига кўра ишонч борки, улар бизни молиявий қўллаб-қувватламоқдалар.

«Биз ана шу ишончни қадрлашимиз, ишончга муносиб бўлганимиз билан фахрланишимиз, узоқ йиллик меҳнат ва қийинчиликлар билан эришган обрўйимизни ва қадримизни ерга урмаслигимиз керак»¹.

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 329-бет.

Хулоса

Инвестициялар давлат ва корхоналарнинг асосий фондларни замонавийлаштириш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятининг муҳим воситадир. Кичик бизнесни ривожлантириш учун ҳам инвестицияларни қўллаш анча самара беради. Айниқса, биз каби иқтисодиёти бозор тизимига асосланаётган давлатлар учун бу жуда муҳимдир. Бозор иқтисодиёти ва унга ўтиш даврида шаклланган турли мулкчиликни жорий этиш ва улардан фойдаланиш доирасида самарага эриши мақсадида инвестицияларни қўллаш айниқса муҳимдир.

Бироқ, Наманган вилоятида, шунингдек, республикада ҳам инвестициялар билан боғлиқ муаммолар мавжуд уларни ҳал қилиш Ўзбекистонни янада ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу муаммолар қуйидагича:

- инфраструктурани суғу ривожланганлиги;
- Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини жаҳон ОАВларида рекламасини йўқлиги;

- инвестицияларни вилоятлараро тақсимолида юқори дифференцияланганлиги (Мисол учун, Қорақалпоғистон, Хоразми Тошкентга нисбатан ҳисоблаганда).

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқаришда инвестицияларни жалб этиш юқори самарага эришишга олиб келар экан. Кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида айниқса АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Япония каби Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос йўналишларидан келиб чиқиб, инвестицион вазиятни жадаллаштириш учун қуйидаги шартларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз. Демак тақлифларимиз қуйидагича:

- хорижий инвесторларга ва миллий ишлаб чиқарувчиларга бир хил имконият, имтиёзлар яратиш;

- миллий бухгалтерия ҳисобини Халқаро Молиявий Ҳисоби Стандартларига янада яқинлаштириш;

- қўшма корхоналарни ташқи бозорларга йўналтирилган фаолиятини жадаллаштириш, валюта оқимини барқарорлаштириш. Бунга рағбатлантириш учун турли хил коммунал хизматлардан қисман озод этиш ва солиқ, йиғим, божхона тўловларидан тўлиқ озод этиш орқали эришиш;

- инвестицияларнинг ҳудудий бир ёқламалик хусусиятини олдини олиш мақсадида, вилоятларни ривожланганлик даражаси бўйича 3 гуруҳга бўлиб, суғу ривожланган регионларга инвесторлар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик яратиш;

- эркин экспорт зоналари амалиётини ўрганиш ва уларни юртимизда жорий қилишга эришиш.

- бозор иқтисодиёти тизимга хос бўлган инфляция жараёнларини келтириб чиқарувчи барча ҳолатларнинг олдини олиш (бу инвесторнинг реал оладиган фойдасини кўпайтиради);

- давлатимиз бошқаруви томонидан имкон даражасида электр энергия ресурсларига бўлган баҳоларни мувофиқлаштириш;

- вилоятда капитал қўйилмалар тузилишида рўй берадиган салбий ўзгаришларнинг олдини олиш, акс ҳолда, уларнинг жамият учун ялпи фойдалилиги ошса, маҳсулот ишлаб чиқариш кучайиши рўй бермайди. Бунга мисол: ишлаб чиқаришга давлатнинг аралашуви кенгайиши билан корхоналар ўз маблағларининг бир қисмини атроф-муҳит ва соғлиқни сарфлашга мажбур бўлишидир;

- транспорт ва алоқа коммуникацияси соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш, чунки қулай ривожланган транспорт ва алоқа тизимсиз республиканинг иқтисодий салоҳиятини тўла акс эттириб бўлмайди;

- республика миқёсида аҳолининг сиёсий ва маънавий маданиятини янада ошириш;

- иқтисодий муносабат ўрнатган ҳар икки (инвестор ва унинг капиталидан фойдаланувчи) мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш ва ўзаро қўллаб-қувватлашни йўлга қўйиб, самарали ҳамкорликни кучайтириш.

Инвестициялар қоидага кўра, амалиётда мамлакат миқёсида давлат томонидан, микроиқтисодиётда эса корхоналар ва уларга тенглаштирилган бошқа хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилувчи инвестицион сиёсат асосида моддийлаштирилади.

Инвестициялар реал, яппи, молиявий ва портфел турларига тақсимланади. Реал инвестициялар корхонанинг иқтисодий потенциалини яхшилашда муҳим восита ҳисобланади.

Тармоқлар ва ҳудудларда тизимий қайта қўриш вазифасини ҳал этишда бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, бевосита хорижий инвестициялар ҳажмини оширишга Ўзбекистон Давлат инвестиция дастурини амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Шу йўналишда Ўзбекистон Республикаси учун зарур чора-тадбирлар сирасига, фикримизча, қуйдагилар киритилиши лозим:

- айрим тармоқлар ва минтақаларда (жумладан, эркин иқтисодий зоналарда) хорижий инвесторлар учун реал амал қилувчи имтиёзлар тизимини яратиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи идоралар (концернлар, ассоциациялар ва ҳоказолар) ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қўйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилиги, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайитириш ва солиқ тузилмасини соддалиштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмларни яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш;
- биржа бозорларида ва бошқа бозорларда акциядорлар жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисmini хорижий инвесторларга сотиш;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш;

Инвестициялашнинг тўғри танланган тактика ва стратегияси корхоналарга ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот чиқаришни фан-техника тараққиёти ва бозор талабларига жавоб берувчи кўринишга олиб келишга имкон беради.

Корхонанинг инвестицион сиёсати инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда инвестициялашнинг энг самарали вариантларини танлаш билан боғлиқ бўлади.

Минимум харажатлар ва максимум натижалар - инвестициялар ва инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда услубий асос ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Меъёрий ҳужжатлар, Президент асарлари ва маърузалари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. –40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Халқ сўзи» рўзномаси, 1998 йил, 20 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлари тўғрисида», «Халқ сўзи» рўзномаси, 1998 йил, 21 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Халқ сўзи» рўзномаси, 1999 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Тадбиркорлик тўғрисида», «Халқ сўзи» рўзномаси,
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» ЎзР Марказий банки 2000 йил 22 февралда 464-сон билан тасдиқланган, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 29-февралда 903-сон билан рўйхатга олинган.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» ЎзР Марказий банки 2000 йил 22 февралда 463-сон билан тасдиқланган, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 29-февралда 902-сон билан рўйхатга олинган.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан фермерлик хўжаликлари, кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби» ЎзР Марказий банки 2000 йил 4 мартда 465-сон билан тасдиқланган, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 мартда 907-сон билан рўйхатга олинган.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби» ЎзР Марказий банки 1999 йил 29 июнда 1376-сон билан тасдиқланган, ЎзР Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 20 июлда 775-сон билан рўйхатга олинган.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 24-сонли қарори. «Жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида». 2005. 10 март.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.// Халқ сўзи, 12 апрел. 2005.
12. «Ўзбекистон республикасининг 2005 йилги инвестиция Дастури тўғрисида» Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 30.11.2004 й. № 560.
13. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарорига 4-илова
14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигиниянада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -80 б.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
16. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
17. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

18. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир. –Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.
19. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
20. Каримов И.А. «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.
21. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
22. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014. – 64 б.

2. Илмий адабаётлар ва манбалар

23. Арипов О.А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Фан, 2012.
24. Арипов О.А., Ёкубжанова Х., Мамадалиев А. Республикада кичик ва хусусий корхоналар ривож (Наманган вилояти мисолида). // Ж. Бозор, пул ва кредит. –2006. № 11. 61–62 б.
25. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муаммолари. // Ж. Жамият ва бошқарув. –2009. №4. 69–70 б.
26. Арипов О.А. Замонавий бизнеснинг маънавий жиҳатлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. (махсус сон). –2010. 277–279 б.
27. Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик меъзонлари. // Ж. Жамият ва бошқарув. –2010. №3. 48–50 б.
28. Власова В. М. и др. Основы предпринимательской деятельности. –М.: Финанс и статистика, 1995. –481 с.
29. **Богатин Ю.В., Швандар В.А.** Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
30. Горфинкель В. Я., Швандар В. А. ва бошқ. Курс предпринимательства. Учебник. –М.: Финансы. ЮНИТИ, 1997. –439 с.
31. Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистана. / –Т.: Институт экономики. 2003. –531 с.
32. **Гуртов В.К.** Инвестиционный ресурсы. – М.: Экзамен, 2002.
33. Дэниелс Дж. Д., Радеба Ли Х. Международный бизнес –М.: Дело LTD. 1994.
34. Ершов И. В. Предпринимательское право: вопросы и ответы. –М.: Юриспруденция. 2003. –253 с.
35. **Инвестиционнўе процессў в условиях глобализации.** – М.: ТЕИС, 2002.
36. Ичитовкин Б. И. Малые формы хозяйствования. –М.: Экономика, 1991.
37. Кемпбелл Р. Макконелл, Стэнли Л. Брю. Экономикс. В 2-х т. –М.: Республика. 1992. –399 с.
38. Краюхин Г. и др. Малые предприятия в условиях рынка. –Т.: Узбекистан, 1991. –190 с.
39. Мирзиёев Ш. М. ва бошқалар. Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг ривожланиши. –Т.: Университет, 1994. –53 б.
40. Муфтайдинов Х., Турсунов А., Алимов У. Совершенствование инвестирования в малый и средний бизнес. // Формирование социально ориентированной рыночной экономики. Ч.1. Сбор. раб. аспирант. и докт. Института экономики РАН. –М.: Институт экономики РАН, 2003. 270–275 с.
41. Орешин В. П. Государственное регулирование национальной экономики (в вопросах и ответах). –М.: Инфра-М. 2000. –124 с.

42. **Основные показатели уровня развития малого и среднего предпринимательства в республике Узбекистан за 2002 год.** Статистический сборник .-Т.: ТДИУ , 2003. –52 с.
43. Райзберг Б. А. Основы бизнеса. (учебное пособие). –М.: Ось-89, 1996. –192 с.
44. Рубе В. А. Малый бизнес: история, теория, практика. –М.: ТЕИС, 2000. –231 с.
45. **Самарходжаев Б.** Инвестиции в Республике Узбекистан: (Международно-частно правовой аспект). -Т.: Академия, 2003.
46. Самуэльсон П. А., Нордхаус В. Д. Экономика. Пер. с англ. –М.: «Лаборатория базовых знаний», 2000. –800 с.
47. Сэй Ж.Б. Трактат политической экономики. –М.: Экономика, 1986. –321 с.
48. Худойбердиев З., Арипов О.А. Государственное управление и регулирование малого бизнеса и частного предпринимательства в период мирового кризиса. // Государственное управление в XXI веке: традиции и инновации. Матер. 8-й международной конферен. факультета государственного управления МГУ им. М.В.Ломоносова. –М.: 2010. 26-28 май. 69-74 стр.
49. **Чернов В.А.** Инвестиционная стратегия. Учебное пособие. – М.: ФНИТИ-ДАНА, 2003.
50. **Фатхутдинов Р.А.** Разработка управленческого решения: Учебное пособие. -М.: ЗАО-1997.
51. Шевелева С. А. Основы экономики и бизнеса: Учеб. Пособ. 2-е изд., перераб. и доп. –М.: ЮНИТИ, 2000. –515 с.
52. Шулуc А. А. Становление системы поддержки малого предпринимательства в России (спецкурс). –М.: ИНФРА-М, 2002. –67 с.
53. Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: Прогресс, 1982. –456 с.
54. Эргашев Т., Исматов Р. Иқтисодий саводхонлик асослари. –Т.: Шарқ, 2001. –176 б.
55. Ғуломов С. С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: Шарқ, 2002. –368 б.
56. Ғуломов С. С. Шермухамедов О. А. Шермухамедов А. Т. Развитие малого бизнеса в Узбекистане и его социальная роль. // Матер. Форума Экономистов Узбекистана. –Т.: 14 декабр. 2010.

3. Интернет маълумотлари

57. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.
58. www.ceep.uz.- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Вазирилиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
59. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.
60. www.management.ru.- официальный сайт Российской компании «Консалтинговая группа МД».
61. http://normativ.su/product_info.php/products_id/10
62. <http://www.eup.ru/Catalog/20-250.asp>